

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА–ҚУРИЛИШ
ИНСТИТУТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК: 72.035

Ниёзов Азамат Ниёзахмадовичнинг

**Ўзбекистоннинг XIX–XX асрлардаги майший турмуш
иморатлари ва ишоотлари архитектурасини ўрганиш ва улардан
фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш**

5А340102–“Архитектура назарияси ва тарихи, архитектура
ёдгорликларини тиклаш” мутахассислиги

Магистр даражасини олиш учун ёзилган

МАГИСТРИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Диссертация кўриб чиқилди
ва ҳимояга рухсат берилди.
“Архитектура назарияси ва тарихи”
кафедраси мудири:
Т.Ф. Кушманов

Илмий раҳбари: “Шарқ–европроект”
МЧЖ лойиҳалаш корхонасининг
директори **Х.Ж. Махмадиёров**

Самарқанд–2016

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**
**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

Факультет: Архитектура

Кафедра: Архитектура назарияси
ва тарихи

Ўқув йили: 2015–2016

Магистратура талабаси: А. Ниёзов

Илмий раҳбари: “Шарқ–европроект”
МЧЖ лойихалаш корхонасининг
директори Х.Ж. Махмадиёров

Мутахассислиги: Архитектура
назарияси ва тарихи, архитектура
ёдгорликларини тиклаш

МАГИСТРИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

Миллий маданиятнинг тараққиёт жараёни энг аввало унинг маданий меросини асраб–авайлаш, ўзлаштириш ва фойдаланиш билан боғлиқки, бу ўз навбатида халқ меъморчилигининг энг оммавий намуналари ва шаклларига мурожаат этиш, шу жумладан халқимизнинг ўтмишдаги майший турмуш иморатлари, муҳандислик санъати ва хўжалик иншоотлари архитектурасини, уларнинг яратилиш тарихини ҳам ўрганишга қаратилмоғи зарур. “Тарихни унугланган халқ, жамият ўз йўлини йўқотади. Бундай халқ ва жамиятнинг келажаги йўқ”, деб ёзади Президентимиз И.А. Каримов [1].

Халқ меъморчилигининг турли–туман намуналари ва шакллари ичida Мустақил Ўзбекистон архитектурашунослик фанида шу чоққача кам эътибор қаратилган турлари: майший турмуш ва хўжалик иморатлари ҳам борки, улар орасида юқорида эслатиб ўтилган иморат ва иншоотлардан ташқари мойжувлар, тегирмонлар, кўприклар, коризлар, тўғонлар, чорбоғлар ва дала ҳовлилари ҳам мавжуддир. Ана шу қатлам шу чоққача кенг ва чуқур ўрганилмаган.

Халқ меъморчилигининг ана шундай муҳим қатламини илмий ўрганиш ва тадқиқ қилиш, бу қатламдан Ўзбекистон архитектура назарияси ва тарихини ёзиш, архитектура ёдгорликларини қайта тиклаш ва таъмирлаш ишларида фойдаланиш Ўзбекистон замонавий архитектура-шунослик фанининг долзарб масалаларидан биридир.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистоннинг XIX–XX асрлардаги майший турмуш ва хўжалик иморатлари ва иншоотларини меъморий–режавий ва бадиий хусусиятлари илғор усулларини ўрганиш ва аниқлаш, ва шу асосдана улардан Мустақил Ўзбекистоннинг замонавий меъморчилигига фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқишидир.

Тадқиқот обьекти тарзида юқорида эслатиб ўтилганидек, Ўзбекистоннинг XIX–XX асрлардаги майший турмуш ва хўжалик иморатлари ва иншоотлари олинган. Уларга одатда тегирмонлар,

мойжувозлар, ҳаммоллар, гармобалар, обзанлар, ҳовузлар, фавворалар, ариқ, дала ҳовлилари, чорбоғлар, шийпонлар, коризлар кирган. Тадқиқот предмети–бу ана шундай иморат ва иншоотларнинг архитектуравий–режавий ечимлари, шакллари, конструктив ва функциявий ташкиллаштирилиши, тарихий ривожланиши, улардаги тежамкорлик ва самарадорлик, анъанавийлик усулларини ўрганиш ва тадқиқ қилишдир.

Тадқиқот услуби комплекс илмий характердаги изланишларни ўз ичига олиб, икки босқичда ўтказилган. Биринчиси–тадқиқот обьектига кирган иморатлар ва иншоотлар хақидаги маълумотларни (натурал, ёзма ва тасвирий материалларни, махсус адабиётларни) йиғиш ва ўрганиш; иккинчиси–уларни илмий тадқиқ қилиш ва умумлаштиришдан иборат.

Ишнинг илмий янгилиги шундаки, унда муаллиф томонидан ўтказилган тадқиқотлар асосида қўйидагилар илк бор бажарилди ва аниқланди:

- Ўзбекистоннинг XIX–XX асрлардаги майший турмуш ва хўжалик иморатлари ва иншоотларининг умумий классификацияси ишлаб чиқилди;
- Тадқиқот обьектларига кирган иморат ва иншоотлар архитектураси, композициявий–бадиий хусусиятлари ўрганилиб, уларга илмий баҳо берилади;
- Ўзбекистоннинг тарихий майший турмуш ва хўжалик иморатларидан бир нечтасининг график реконструкциялари бажарилди.

Ишнинг асосий натижалари:

- Ўзбекистонда қадимги даврлардан то XX асргача шаклланган майший турмуш иморатларининг архитектураси ўрганилди;
- Майший турмуш, хўжалик ва ишлаб чиқариш иншоотларининг композициявий–бадиий, режавий ва қурилиш хусусиятлари аниқланди ва уларга тарихий ва илмий баҳо берилди;
- Тадқиқот обьектига киритилган иморатлар ва иншоотларнинг архитектуравий типологияси аниқланди ва уларни ана шундай иморатларнинг замонавий турлари билан таққосланди;
- Ўзбек халқи муҳандислик санъати асарларидағи анъанавийлик ва тадрижийлик ҳолатлари тадқиқ қилинди;
- Тархий майший турмуш ва хўжалик иморатлари ва иншоотлари архитектурасидан замонавий меъморчиликда фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Магистратура талабасия:

А. Ниёзов

**MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY EDUCATION OF
REPUBLIK OF UZBEKISTAN**
**SAMARKAND STATE ARCHTECTURAL AND CIVIL
ENGINEERING INSTITUTE NAMED AFTER MIRZO ULUGBEK**

Faculty: Architecture

Department: Theory and History of
Architecture

Academic Year: 2015–2016

Magistr: A. Niyazov

Scientific advisor:

Kh.J.Mahmadiyarov, director of
“Shark Evroproject” LTD

Specialty: **5A340102**—Theory and
History of Architecture, Restoration of
Architectural Monuments

THE IMPORTANCE OF THESIS THEME:

The process of development of national culture depends on protection and adaptation of cultural heritage. In the architecture of historical cities of Uzbekistan, and especially in development of modern architecture in the years of Independence, great importance plays the traditions of XIX–XX centuries Engineering Buildings and Complexes. This kinds of buildings during the all times of historical development showing the art of construction, architecture, town building, crafts art and decoration mastery and aesthetic values.

In the history of architecture of Uzbekistan architecture of Engineering Buildings and Complexes has different types and appearance and they have the long time of historical development and some of them still exist. In different parts of Uzbekistan in accordance to the economical and social development and local climate were formed the local architectural schools, in which masters gained experience in forming Engineering Buildings and Complexes.

Contemporary rapid development of our Motherland with the development of tourism and attention to historical values, requires from us to pay great attention to the preservation and use of XIX–XX centuries Engineering Buildings and Complexes and we can adopt them to social and touristic function.

Purpose of the research: The purpose of this research is to analyze the principles and methods of architectural and planning organization of XIX–XX centuries Engineering Buildings and Complexes, and methods of construction based on special literature. Our aim is to adopt them to modern social functions, preserve them for next generation, and elaborate effective ways and methods in use of Engineering Buildings and complexes, and also give them proper scientific consideration.

Objects of the research: As the objects of research were taken Engineering Buildings, which were built in the historical cities of Uzbekistan in XIX–XX centuries.

Subject of the research: Subject of the research is study Engineering Building's architecture from the points of modern architecture and urban design, and their preservation and adaptation for modern function.

Methods of the research: In the research we are used following scientific methods: the study of research objects in nature; the study of objects based on special literature; the comparison of study objects; the scientific conclusion of study materials with the use of special approach; use of legislative codes in preservation and adaptation of historical monuments.

Scientific novelty of research consists following: For the first time elaborated classification of Uzbekistan's Engineering Buildings of XIX–XX century; Studied compositional and architectural essentialities of investigated objects and given scientific conclusion of them; Given the graphical reconstruction Uzbekistan's Engineering Buildings.

The research has the following main results:

- Studied the architecture of Uzbekistan's Engineering Buildings from Ancient time to XX century.
 - Finding include the compositional, planning and constructional features of Engineering Buildings and given historical and scientific conclusion of them.
 - Given the architectural typology of investigated objects and comparisons with modern types of these kinds of buildings.
 - Studied the traditions and innovations of Uzbekistan's Engineering Buildings
 - Given the recommendations for use of historical Engineering Buildings architecture in modern practice.

Masters:

A. Niyozov

МУНДАРИЖА

КИРИШ	7
I–БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МАИШИЙ ТУРМУШ, ХЎЖАЛИК ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ТАРИХИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ	15
1.1. Маиший турмуш обьектлари.....	15
1.2. Хўжалик обьектлари.....	18
1.2.1. Сардобалар.....	18
1.2.2. Ховузлар.....	23
1.2.3. Чархпалаклар.....	24
1.3. Ишлаб чиқариш обьектлари.....	25
1.3.1. Жувозлар.....	25
1.3.2. Тегирмонлар.....	26
1.3.3. Яхтангилар.....	27
1.3.4. Устахоналар.....	29
1.4. Тадқиқот обьектларининг типологияси.....	30
I–боб хulosasi.....	31
II–БОБ. ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ МЕЬМОРИЙ–РЕЖАВИЙ, ҲАЖМИЙ ВА КОНСТРУКТИВ ЕЧИМЛАРИНИ ЎРГАНИШ	34
2.1. Меъморий–режавий ва ҳажмий ечимлар.....	34
2.2. Конструктив ечимлар ва қурилиш материаллари.....	37
2.3. Ер ости коризларининг конструктив қурилмалари.....	41
II–боб хulosasi.....	46
III–БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ XIX–XX АСРЛАРДАГИ МАИШИЙ ТУРМУШ, ХЎЖАЛИК ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ИЧКИ КЎРИНИШЛАРИ ВА КОМПОЗИЦИЯВИЙ–БАДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ	49
3.1. Ҳамомлар.....	49
3.2. Гамобалар.....	53
3.3. Оловхона (эркаклар уйи).....	58
3.4. Ишлаб чиқариш корхоналари.....	61
III–боб хulosasi.....	65
IV–БОБ. ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТЛАРИ АРХИТЕКТУРАСИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРДАН ЗАМОНАВИЙ АРХИТЕКТУРАДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР	69
ЯКУНИЙ ХУЛОСА, ДИССЕРТАЦИЯ НАТИЖАЛАРИ ВА ТАКЛИФЛАР	71
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	74

КИРИШ

Магистрлик диссертациясининг асосланиши ва унинг долзарбилиги. Мустақил Ўзбекистон ривожланишининг янги босчиқида республикамиз маданияти ва миллий бунёдкорлик қадриятларини тиклашдек улуғвор вазифалар турибди.

Миллий маданиятнинг тараққиёт жараёни энг аввало унинг маданий меросини асраб–авайлаш, ўзлаштириш ва фойдаланиш билан боғлиқки, бу ўз навбатида халқ меъморчилигининг энг оммавий намуналари ва шаклларига мурожаат этиш, шу жумладан халқимизнинг ўтмишдаги майший турмуш иморатлари, муҳандислик санъати ва хўжалик иншоотлари архитектурасини, уларнинг яратилиш тарихини ҳам ўрганишга қаратилмоғи зарур. “Тарихни унутган халқ, жамият ўз йўлини йўқотади. Бундай халқ ва жамиятнинг келажаги йўқ”, деб ёзади Президентимиз И.А. Каримов [1].

XIX–XX асрлардаги бундай оммавий қурилиш обьектларини ўрганиш орқали биз халқимиз ўтмишидаги майший турмуш иморатлари ва иншоотларининг ранг–баранглигига, халқ меъморчилиги ижодининг эстетик ва миллий қирраларига эътиборимизни қаратамиз. Шунинг учун бўлса керак, қўпчилик тадқиқотчилар халқ меъморчилиги намуналари саналмиш турар жойлар, масжидлар, ҳамомлар, обзонлар, гармобалар, сардобалар, яхтангилар, ҳовузлар, сув кўтаргичлар ва шу каби майший турмуш ва хўжалик иморатларини халқимиз меъморий ва муҳандислик санъатининг кўз илғамас марваридлари тарзида баҳолайдилар. Чунки бу иморатларнинг архитектураси яққол кўзга ташланмасада, уларни яратиш асосида халқ ижодининг меъморий сир–асрорлари ётади.

Шундай қилиб, халқ меъморчилигининг турли–туман намуналари ва шакллари ичida Мустақил Ўзбекистон архитектурашунослик фанида шу чоққача кам эътибор қаратилган турлари: майший турмуш ва хўжалик иморатлари ҳам борки, улар орасида юқорида эслатиб ўтилган иморат ва

иншоотлардан ташқари мойжувозлар, тегирмонлар, кўприклар, коризлар, тўғонлар, чорбоғлар ва дала ҳовлилари ҳам мавжуддир. Бир қараганда унча кўзга ташланмайдиган бу иншоотлар аслида ўзбек халқининг ўтмишидаги муҳандислик, хўжалик ва майший турмуш санъати намуналари ҳисобланиб, улар ўзларининг ўта тежамли ва самарали меъморий–ҳажмий ечимлари, шакл ва услублари билан қизиқарли ва, айни пайтда, замонавий “экоархитектура”, “экопарк” каби амалий йўналишларнинг дебочасидир.

Бироқ, илму–фандаги турли хил ҳолатлар туфайли халқ меъморчилигидаги айнан ана шу қатlam шу чоққача кенг ва чуқур ўрганилмади. Чунки кенг масштаб ва кўламли замонавий шаҳарсозлик, коммунал техник хўжалиги, ижтимоий ва саноат қурилиши бундайнин кичик ва майдалашган майший турмуш ва хўжалик иморатлари ва қурилмаларини ривожлантиришга имкон бермади. Фақат бозор иқтисодиёти шароитига мослашган Мустақил Ўзбекистон Республикаси даврида тарихий меросимиз ва қадриятларимизни қайта тиклаш, ўзбек халқи бунёдкорлик санъатининг энг қулай, тежамли ва самарали йўналишларини излаб топиш, улардан унумли фойдаланиш имкониятлари яратилди. Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг ички резервлари ва анъанавий услубларидан фойдаланиш, шу жумладан халқ меъморчилиги ва қурилишидаги ишлаб чиқаришнинг тежамкор йўналишларини яратиш вазифалари қўйилмоқда.

Ўзбекистон халқ меъморчилигини ўрганишга доир замонавий архитектурашунослик фанининг муҳим йўналишларидан бири–бу архитектурада анъанавийлик ва замонавийлик усулларининг муштарақлик масаласидир. Чунки меъморчилик соҳасига доир ҳар қандай янгилик асосида ўтмишнинг илгор анъаналари, замонага хос эстетик ва конструктив янгиликлар ва усулларни бир–бирига уйғунлаштириш ётади. Айнан шу масала халқимизнинг ўтмишидаги майший турмуш, ишлаб

чиқариш, хўжалик ва муҳандислик иншоотларининг қурилиши ва архитектурасида ўз аксини топган.

Кейинги йилларда халқ хўжалигининг барча соҳаларини экологизациялаш ва иқтисодий тежаш жараёни алоҳида долзарб масалага айланиб бормоқдаки, бунда архитектуранинг роли ўта муҳимдир. Масалан, бу энергияни тежаш, қурилиш материаллари ва конструкцияларидан, биноларнинг очиқ ва ёпиқ меъморий мухитидан самарали фойдаланиш каби масалаларга боғлиқки, булар қурилаётган иморатларни нафақат функционал-ҳажмий тӯғри ташкиллаштириш, балки уларнинг меъморий-режавий ечимларидан қайта тикланувчи табиий ресурслар-шамол кучи, ёғин сувлар, қуёш энергияси кабилардан унумли фойдаланишни талаб этади. Ўтмишнинг ана шундай иморатлари қаторига тегирмонлар, мойжувозлар, коризлар, сув тўпловчи ва уни юқорига чиқарувчи қурилмалар, шамолни тутувчи баланд айвонлар, сувни сачратувчи, йиғувчи иншоотлар халқнинг майший турмуш шароитини, халқ фаровонлигини, юртимизнинг иссиқ-куруқ иқлим шароитида қулай микромухит ва шинамлик яратиш имконини берган. Шунинг учун ҳам улардан халқ унумли фойдаланган, улар меъморчиликда тежамкорлик ва самарадорлик манбаи ҳисобланган.

Халқ меъморчилигининг ана шундай муҳим қатламини илмий ўрганиш ва тадқиқ қилиш, бу қатламдан Ўзбекистон архитектура назарияси ва тарихини ёзиш, архитектура ёдгорликларини қайта тиклаш ва таъмирлаш ишларида фойдаланиш Ўзбекистон замонавий архитектура-шунослик фанининг долзарб масалаларидан биридир.

Тадқиқот обьекти ва предмети. Тадқиқот обьекти тарзида юқорида эслатиб ўтилганидек, Ўзбекистоннинг XIX–XX асрлардаги майший турмуш ва хўжалик иморатлари ва иншоотлари олинган. Уларга одатда тегирмонлар, мойжувозлар, ҳаммоллар, гармобалар, обзанлар, ҳовузлар, фавворалар, ариқ, дала ҳовлилари, чорбоғлар, шийпонлар, коризлар кирган.

Тадқиқот предмети—бу ана шундай иморат ва иншоотларнинг архитектуравий–режавий ечимлари, шакллари, конструктив ва функциявий ташкиллаштирилиши, тарихий ривожланиши, улардаги тежамкорлик ва самарадорлик, анъанавийлик усулларини ўрганиш ва тадқиқ қилишdir.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистоннинг XIX–XX асрлардаги майший турмуш ва хўжалик иморатлари ва иншоотларини меъморий–режавий ва бадиий хусусиятлари илғор усулларини ўрганиш ва аниқлаш, ва шу асосда улардан Мустақил Ўзбекистоннинг замонавий меъморчилигига фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқишидир. Ушбу қўйилган мақсадга биноан тадқиқотнинг қўйидаги илмий вазифалари аниқланди:

1. Ўзбекистонда қадимги даврлардан то XX асрغا шаклланган майший турмуш иморатларининг архитектурасини ўрганиш;
2. Маиший турмуш, хўжалик ва ишлаб чиқариш иншоотларининг композициявий–бадиий, режавий ва қурилиш хусусиятларини аниқлаш ва уларга тарихий ва илмий баҳо бериш;
3. Тадқиқот обьектига киритилган иморатлар ва иншоотларнинг архитектуравий типологиясини аниқлаш ва уларни ана шундай иморатларнинг замонавий турлари билан таққослаш;
4. Ўзбек халқи муҳандислик санъати асарларидағи анъанавийлик ва тадрижийлик ҳолатларини тадқиқ қилиш;
5. Тархий майший турмуш ва хўжалик иморатлари ва иншоотлари архитектурасидан замонавий меъморчилигига фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши.

Илмий янгилиги. Ишнинг илмий янгилиги шундаки, унда муаллиф томонидан ўтказилган тадқиқотлар асосида қўйидагилар илк бор бажарилди ва аниқланди:

- Ўзбекистоннинг XIX–XX асрлардаги майший турмуш ва хўжалик иморатлари ва иншоотларининг умумий классификацияси ишлаб чиқилди;

- Тадқиқот объектларига кирган иморат ва иншоотлар архитектураси, композицияий–бадиий хусусиятлари ўрганилиб, уларга илмий баҳо берилади;
- Ўзбекистоннинг тарихий майший турмуш ва хўжалик иморатларидан бир нечтасининг график реконструкциялари бажарилди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқотнинг асосий масалаларига тадқиқот обьектига кирган иморат ва иншоотларинг шу чоққача Ўзбекистон архитектурашунослик фанида тўлалигича ўрганилмаганлиги, бу иморатлар гурухига илму–фанда кам эътибор берилганлиги ва натижада Ўрта Осиё халқлариинг хўжалик ва майший турмуш обьектларини қуришдаги азалий анъаналари ва уларнинг ривожланиши босқичлари, бу соҳадаги миллий қадриятлари, илм–фан ютуқлари ва тарихий меросга этарлича илмий баҳо берилмаганлиги каби масалалар киради. Тадқиқот фарази эса ушбу қатламдаги тарихий обьектлар архитектураси ва уларга хос бўлган хусусиятлардан замонавий меъморчилиқда фойдаланиш, бизгача сақланган шундай иморатларни таъмирлаш ва қайта тиклаш ишларида эътиборга олишdir.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шархи (таҳлили). Танланган мавзунинг меъморий жиҳатдан диссертация шаклида нафақат Ўзбекистон мисолида, балки Ўрта Осиё Республикаларида ҳам маҳсус ўрганилмаганлигига қарамасдан бу соҳадаги иморатлар ва иншоотлар ҳақидаги айrim илмий маълумотлар ва эслатмалар мавжуддир. Уларни шартли тарзда тўрт гурухга бўлиш мумкин. Ўзбекистон (Мовароуннаҳр)нинг ўтмиши ҳақидаги қадимги ва ўрта аср муаллифларининг тарихий жуғрофий асарлари; архитектура, меъморий анъаналар, хўжалик ва ишлаб чиқариш, иқтиодиётга доир адабиётлар; тадқиқот обьектига тааллуқли тасвирий материаллар (миниатюралар, расмлар, фотографиялар, схемалар ва бошқалар); архив ва музей материаллари.

Биринчи гуруҳдаги манбалар қаторига Захиридин Мухаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарини, араб тарихчиси Таборининг “Тарих” китобини, М. Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асари каби манбалари киритишимиз мумкин. Иккинчи гуруҳдаги адабиётларга В.В. Бартольднинг Ўрта Осиё минтақаси халқларининг тарихий, маданий ва ижтимоий–иктисодий ҳаёти ҳақидаги асарини, учинчи гуруҳга эса Г.А. Пугаченкова, С.И. Галеркина, М.М. Ашрафи, А.Ю. Якубовский ва уларнинг шогирдлари томонидан ўрганилган ўрта аср миниатюраларини, тўртинчи гуруҳга архивлар ва музейларда сақланиб келаётган тадқиқот объектларига доир материалларни киритамиз.

Собиқ Иттифоқ даврида бизнинг мавзумизга яқин олиб борилган тадқиқот ишларига Л.И. Ремпель, А. Мухаммаджонов, А. Бобохонов, Д.А. Нозилов, А.С. Ураловларнинг ёзган илмий мақолалари ва китобларини киритишимиз мумкин.

Таъкидла керакки, юқорида келтирилган илмий ишларда Ўзбекистоннинг XIX–XX асрлардаги майший турмуш, хўжалик ва ишлаб чиқариш иморатлари ва иншоотлари комплекси, уларнинг шаклланиш тарихи ва архитектураси шу чоққача маҳсус ўрганилмаган.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқот услуби комплекс илмий характердаги изланишларни ўз ичига олиб, икки босқичда ўтказилган. Биринчиси–тадқиқот обьектига кирган иморатлар ва иншоотлар ҳақидаги маълумотларни (натурал, ёзма ва тасвирий материалларни, маҳсус адабиётларни) йиғиш ва ўрганиш; иккинчиси–уларни илмий тадқиқ қилиш ва умумлаштиришдан иборат.

Мазкур ишда Ўзбекистон худудида ва унга қўшни республикаларнинг шаҳар ва қишлоқларида халқнинг майший турмуши ва хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасидаги 28 обьект натурал тадқиқ қилинди, ўлчовлар ўтказилди, схемалар, чизмалар ва фотофиксация ишлари олиб борилди.

Булардан ташқари Самарқанд шаҳри музейларида, архивларда (ЎзРМарказий Давлат архиви) ва Археология институти кутубхонаси ва фондидан ҳам тадқиқот обьектларига доир маълумотлар тўпланди ва олинди

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, улардан Ўзбекистонда тарихий хўжалик ва муҳандислик обьектлари архитектураси тарихини ва тараққиётини акс эттириш, Ўзбекистон замонавий архитектураси ва меъморчилик назарияси учун фойдаланиш, тадқиқот обьектларини илмий оммалаштириш, Ўзбекистон олий ўкув юртларида архитектура тарихи ва назариясига доир фанларни кенгроқ ёритиб бериш, бизгача сақланган тадқиқот обьектларини қайта тиклаш ва таъмиrlаш ишларида фойдаланишdir.

Иш тузилмасининг тавсифи. Диссертация кириш, 4 та боб хulosалари билан, 12 та параграф, якуний хulosса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат ва ҳажмибетни ташкил қиласди. Диссертацияга тақдимот материаллари ва тадқиқотда қўлланилган меъморий атамалар луғати илова қилинган.

Тадқиқотнинг кириш қисмida диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги, тадқиқот обьекти ва предмети, тадқиқот мақсади ва вазифалари, илмий янгилиги, тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари, тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили), тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти ҳамда иш тузилмасининг тавсифи очиб берилган.

Диссертациянинг I–боби “Ўзбекистонда майший турмуш, хўжалик ва ишлаб чиқариш обьектларининг тарихи ва ривожланиш тамойиллари” деб номланиб, унда майший турмуш обьектлари, хўжалик обьектлари, ишлаб чиқариш обьектлари, тадқиқот обьектларининг типологияси тадқиқ қилинган

Тадқиқотнинг II–боби “Тадқиқот объектларининг меъморий–режавий ҳажми ва конструктив ечимларини ўрганиш”га бағишиланган. Унда меъморий–режавий ва ҳажмий ечимлар, конструктив ечимлар ва курилиш материаллари масалалар тадқиқ қилингандар.

Ишнинг III–боби “Маиший турмуш, хўжалик ва ишлаб чиқариш объектларининг ички кўринишлари ва композицияий–бадиий хусусиятларини тадқиқ қилиш”да ҳамомлар Оловхона (эркаклар уйи), ишлаб чиқариш корхоналари масалалари қараб чиқилган ва тегишли хулосалар қилингандар.

Ишнинг якуний хулоса қисмида диссертациянинг асосий илмий натижалари ва таклифлар берилгандар.

I–БОБ.
ЎЗБЕКИСТОНДА МАИШИЙ ТУРМУШ, ХЎЖАЛИК ВА
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ТАРИХИ ВА
РИВОЖЛАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

1.1. Майший турмуш объектлари

*Меросимизни қўпроқ ва чуқурроқ ўрганиши керак.
И.А. Каримов*

Майший турмуш объектларига ўтмишда обзан, ҳаммом, гармоба, оловхона каби объектлар кирган.

Ўрта Осиёда X асрда яшаб ижод этган Абу Мансур ал-Қумрининг “Китоб ат–тансир фи–л–истилоҳат ат–тиббия” (“Тиббий атамалар ва унсиrlар луғати”) асаридан таржима қилинган айrim маълумотларга кўра Ўрта Осиё халқлари X асрдаёқ ваннани билган, уни маҳаллий тилда “обзан” деб атаган ва нафақат унда чўмилишни, балки ундан фойдаланишнинг бошқа усулларини, жумладан танани соғломлаштириш ва bemорларни даволаш жараёнида қўллаш услубларини ҳам билишган [31]. Ибн Сино ўзининг X асрда ёзган машҳур “Тиб қонунлари” асарида ҳам обзандан тиббий мақсадларда фойдаланишнинг қатор услубларини кўрсатиб ўтган [33]. Бироқ, у обзанинг ўзига тавсиф бермаган. Бундан чиқадики, Ибн Сино даврида Ўрта Осиё халқлари обзанин яхши билишган. Биз эътиборимизни ўша обзанлардан биронтаси бизгача сақланиб қолганми?, деган саволга қаратдик. Фикримизча, бундай обзанлар Ибн Сино даврида қурилган халқ ҳаммомларини жиҳозлашда ёки шифохоналарда сақланиб қолиши мумкин эди.

Археологик маълумотларга кўра X асрда Тароз шаҳрида қурилган ҳаммомда бир неча обзанларнинг қолдиқлари топилган [8]. Улар силлиқ тошдан ишланган, “кир” (сув ўтказмайдиган маҳсус қоришма) билан сувалган ва ҳаммом полига ўрнатилган бўлиб, алоҳида муолажа хонасини ташкил қилган. Уларнинг ўлчамлари ҳозирги замонавий ванналарга яқин бўлган. Кейинги ўрта асрларда қурилиб археологик қолдиқлари бизгача

сақланиб қолган бошқа Ўрта Осиё ҳаммомларидан (масалан Ахсикент, Тошкент, Самарқанд, Шохжувар шахри ҳаммомларида) ваннани эслатувчи жиҳозлар учрамаган [33]. Шунинг учун илму–фанда кейинги давларгача X аср Ўрта Осиё обзанлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмас эдик. Абу Мансур ар–Қумрининг юқорида эслатилган китоби бу ҳақдаги тушунчаларимизни аниқлаштиришга ёрдам беради. Чунки унда обзанга тегишли барча тавсилотлар ёзма шаклда берилган. А.С. Уралов ана шу тарихий манбага ва Тароз шахри ҳаммоми қолдиқларига асосланиб X аср Ўрта Осиё обзанининг фанда ilk бор график реконструкциясини яратади. У замонавий ваннага жуда ўхшаб кетади: узунлиги 135–170 см атрофида, баландлиги 47–50 см, эни эса ўтирган одам елкасининг кенглигидан каттароқ. Обзан кумуш, мис ва шунга ўхшаш маъданларнинг аралашмасидан ишланган. Обзоннинг ёғочдан қопқоғи бўлиб, ундан одамнинг боши ташқарига чиқиб турган. Обзан ичига иссиқ сув қуилиб, унга турли хил шифобахш ўтлар ташланган. Сув тайёрлангач, обзанга одам киритилиб ва ўтказилиб ёғоч қопқоқ шундай ёпилганки, ундан одам боши ташқарига чиқиб турган [30].

Яна бир тарихий маълумот. Сиз Ўрта Осиё ҳалқларининг ўтмишда иссиқ ҳаволи “қуруқ ҳаммом”дан фойдаланганини эшитганмисиз? Йўқ. Чунки “қуруқ ҳаммом” деганда биз фақат фин ҳаммоми–“сауна”ни тушунамиз. Ваҳолангки, X асрда Ўрта Осиё табиблари айrim беморларни даволашда ўзига хос ажойиб қуруқ ҳаммомдан фойдаланишни тавсия қилганлар.

Абу Мансурнинг ўша китобида айнан шундай ҳаммом ҳақида ёзма маълумотлар берилган. Унга қўра бундай ҳаммомни ташкил этиш учун кир ювиш жомига ўхшаш кенг цилиндрик жой ясалиб, унинг ичига ёғоч стул қўйилади. Жом усти икки teng бўлакдан иборат ёғоч қопқоқ билан ёпилган бўлиб ундан стулга ўтирган одамнинг боши ташқарига чиқиб туради. Шундан сўнг ердан ушбу жом сифадиган баландликда чуқур ковлаб, жом шу чуқурга ўрнатилади. Кейин жом четидан айланасига ени бир тирсак

(50–60 см) ер қолдириб, унинг атрафидан ҳам яна шунча ва баландлиги жом бўйидан бир товон (20–22 см)га зиёд бўлган айланма чукур ковланади. Шу чукурга ҳарорати ердан ўтиб жомни иситадиган, унда қуруқ иссиқ ҳаво ҳосил қиласидиган, бироқ, одам танасини куйдирмайдиган даражада олов ёқилади. Шундан сўнг одам жом ичига, яъни қуруқ ҳаммолинг туширилиб, стулга ўтказилади ва устидан икки бўлакли ёғоч қопқоқ ёпилади. Шунда одам калласи қопқоқ ташқарисида қолиши шарт. Шу зайлда ҳаммо ичидаги одам терга ботгунча ўтиради ва кейин ташқарига чиқарилади. Китобдаги ушбу ёзма маълумотларга асосланиб, А.С. Уралов Ўрта Осиёда X асрларда қўлланган бундай ҳаммолинг график реконструкциясини ишлаб чиқди [30].

XX аср ўрталарида Европада “жомадон–ҳаммом” номли антиқа ихтиро эълон қилинади. У электр қувватида ишлаб, мўъжаз ҳаммолни ва ташқи кўринишидан каттакон жомадонни эслатади. Жомадон ичидаги мавжуд бўлиб, қуруқ иссиқ ҳаво вужудга келади ва унга кириб ўтирган одам қаттиқ терлайди. Бу ихтиро аслда X аср Ўрта Осиё қуруқ ҳаммоли зайлida ишланиб, жомадон ичига кирган одамнинг боши маҳсус тешикдан ташқарида қолади ва муолажа пайтида бемалол гаплашиб ва телевизор кўриб ўтириш имкони яратилади. Кўриб турибмизки, бу ихтиронинг ilk ибтидоси унинг Европада яратилишидан салкам минг йил олдин Ўрта Осиёда маълум бўлган, қўлланган ва у ўша даврда ал–Қумри томонидан ёзилган китобга муҳрлаб қолдирилган [34].

Шундай қилиб, Ўрта Осиё халқлари қадим моддий маданияти ва даволаш–шифобахш қурилмаларининг шу чоққача архитектура тарихи ва назариясига номаълум бўлган муҳим икки тури–обзан ва қуруқ ҳаммол ихтиро қилинди ва уларнинг график реконструкциялари ишлаб чиқилиб илмий муомалага киритилди.

1.2. Хўжалик объектлари

Маълумки, Ўрта Осиёда дехқончилик ва шаҳарсозлик маданияти қадимдан сунъий суғориш иншоотлари билан боғлиқ бўлган. Шунинг учун ҳам ўтмишда сув таъминотига мўлжаллаб яратилган хўжалик иншоотларининг таснифи турли–тумандир. Уларнинг бир гурухи бевосита сугорма дехқончилик билан боғланган бўлиб, тўғонлар, бандлар, сув айиргичлар, акведуклар, каналлар, коризлар ва ариқлардан иборат бўлса, иккинчи гурухи ҳовузлар, қудуқлар, сардобалар ва яхтангилардан ташкил топиб тоза ичимлик сувини сақлаш билан боғлиқ бўлган. Биринчи гурух иншоотлари булоқ ва оқин сувларини тўплаш ва истемолчиларга етказиб беришга хизмат қилса, иккинчиси ер ости сувларини қазиб олиш, ёмғир ҳамда қор сувларини тўплаш, тоза сақлаш ва аҳолини чимлик суви билан таъминлашга қаратилган. Ичимлик суви нафақат шаҳар ва қишлоқларда, балки карvon йўлларида ҳам керак бўлган. Савдо йўлларида ҳаракат қилувчи карвонларнинг тўхташ жойларида қудуқлардан қўра сардобалар кўпроқ қурилган [16].

Сардобалар қуриш қадим замонлардан бошлаб, аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминлашдек давлат аҳамиятидаги муҳим вазифалар қаторига кирган.

1.2.1. Сардобалар

Сардоба–бу форсча сўз бўлиб, “сард”–яхтак, “об”–сув маъносини англатади. Сардоба усти гумбаз билан ёпилган, тарҳи доира шаклидаги чуқур ҳовуз ёки сувдондир. Карvon йилларидаги сардобалар, одатда ёмғир ва қор сувлари билан тўлдирилган. Шунинг учун ҳам улар ташқи ёғин сувлар оқиб келадиган пастқам жойларда қурилган. Сувга тўлдирилгач сувдонга хушбўй ўтлар, шох–шаббалар ташланиб, қиши бўйи тиндирилиб, эрта баҳорда очилган. Айрим сардорбалар бундан фарқ қилиб, канал ёки

арик сувлари билан тўлдирилган. М.Е. Массон сардобаларни Ўрта Осиёда Ислом давридан ҳам олдин вужудга келган, деган фикрни ёзган [16].

Маълумки, Ўрта Осиёда IX аср бошидан то XII аср бошларигача ижтимоий–иқтисодий аҳвол ва илм–фаннынг яхшиланиши туфайли савдо ҳунармандчилик ишлари ривож топди. Натижада карvon йўлларидаги қурилиш, шу жумладан, сардобалар қурилиши ҳам авж олади.








Бу даврда мансуб тарихий маълумотларга кўра, Балх шахри ва Балх вилоятида, Мавр ва Бухоро воҳалари, ҳамда Ўрта Осиёнинг жанубий туманларида худудларда сардобалар кўп қурилган [17].

Сардобалар ривожидаги кейинги босқич Амир Темур ва Темурийлар давридир. Бироқ, бу даврдан бизгача сақланиб қолган сардобалар жуда кам. Туркманистондаги Анау сарdobаси ва Жиззах шахри яқинидаги Ёғочли сардобра шулар жумласидандир. Шайбоний Абдуллахон II (1557–1598) ҳукмронлиги давридан ҳам Ўрта Осиёда кўплаб сардобалар бизгача сақланиб қолган. Ўзбекистон ва Туркманистонда ҳатто “Сардобра” исмли қишлоқлар мавжуд. Қаршидан Туркманистоннинг Керки шахригача бориладиган қадимги карvon йўлида (ҳозирги “Эски Талимаржон” номли қишлоқ яқинида) XVII аср бошларида қурилган “Санги Сувлоқ” номли сардобра ҳаробалари топилган. Мазкур сардобра гумбази атрофида кириш–пештоқи ва зинапоядан ташқари йўловчиларнинг вақтинча тўхтаб дам олишига мўлжалланган хоналар ва равоқли айвонлар жойлашган. Хоналар ва айвонларга ташқаридан кирган. Сардобра ҳовузининг диаметри эса анча катта бўлиб, у 17 метрни ташкил этган [16].

Кўриб турибмизки. Санги Сувлоқ сарdobаси оддий сардобалардан фарқ қилиб, сув манбаи вазифасидан ташқари йўловчиларнинг унда тўхтаб дам олиш вазифасини ҳам бажарган.

Ана шундай сардобаларнинг бири, фикримизча Қаршидан Бухорогача борувчи эски карvon йўлида қурилиб, бизгача сакланган ва ҳозирги Қоровул–бозор шаҳарчасига яқин жойлашган Қоровул–бозор сарdobасидир. Унинг олдинги чиққан равоқи пештоқидан даҳлизга

кирилиб, катта ва кенг зина орқали, ҳовуз ва ҳовуз атрофидаги супачаларга тушилади. Дастреб даҳлиз устидан сардоба қўриқчиси ва хизматкорлари учун бир неча хоналар қурилган. Даҳлиз охиридаги икки нафар зиначалар сардобра ҳовузи атрофидаги супаларга олиб чиқкан.



Ховузнинг диаметри 15 метр, чукурлиги 8,1 метр сардoba гумбазининг баландлиги 6,36 метрга teng. Гумбаз атрофида 9 ta дераза туйнулари мавжуд. Сардобанинг бу хусусиятлари унда нафақат сув сақлаш, балки йўловчиларнинг вақтинча дам олишларига ҳам қулай шароит яратган. Сардобанинг Қоровул–бозор деб номланиши унга яқин жойда ўтмишда сарой карвон–сарой ва бозор бўлганлигидан далолат беради [34].

Қаршидан Бухорога бориладиган эски карвон йўлидаги работ ёнида қурилган “Кокир сардoba” ховузининг атрофида ҳам кенг супали сахн бўлган. Уларга тош зина орқали тушилган. Сардобани XX аср бошида кўрган Д.Н. Логофет “ушбу супалар сахни шунчалик кенгки, уларга катта карвон йўловчилари bemalol сифади”, деб ёзади. Сардoba ховузининг ўлчамлари анча катта 15–20 метр чамасида бўлиб, гумбаз ости деворлари ганч билан шувалган [16].

Сардoba ховузини сувга тўлдириш учун садоба гумбазининг ер ости сатҳида тешиклар ишланган. Тешиклар сони ва жойлашиши турли сардabalарда ҳар хил бўлиб, асосан гумбазнинг икки ёки уч томонидан в бир неча тешиклардан гумбаз атрофидаги айлана ариқча орқали сув очиқ тушган.

Тарихий маълумотларга қараганда, Мовароуннахрда XX аср бошларида 44 ta сардoba бўлган. Улардан 29 таси Қарши чўлида, 3 таси Мирзачўлда, 1 таси Кармана яқинидаги Чўли Малиқда қурилган. Қарши ва унинг атрофидаги сардabalар орасида шаҳардаги Одина Масжидининг жанубида XVI асрда Абдуллахон II томонидан бунёд этилган сардoba ҳам мавжуд. Профессор М.Е. Массон ўзининг “Проблема изучения цистерн–сардoba” номли китобида Қарши чўлидаги 7 ta сардoba ҳақида қимматли маълумотлар берган [16]. Улар орасида биз учун энг муҳими Қарши шахри Регистонининг Жануби, яъни Чорсунинг рўпарасидаги Қарши сардобасидир.

Қарши шахри сардобаси юқорида саналган иншоотларга хос барча умумий хусусиятларни сақлаб қолган ҳолда баъзи жиҳатлари билан ажралиб туради. Биринчидан, Қарши сардобасининг хизмат ўрни чўлдаги карвон ёки чорва моллари эмас, балки шаҳар аҳолисига хизмат қилишда намоён бўлади. Иккинчидан, алоҳида жиҳати шундан иборатки, чўлдаги сардabalар асосан ёмғир ва қор сувларидан тўлган бўлса, Қарши сардобаси дарё сувидан, аниқроғи Қашқадарёдан оқадиган Файзобод аригининг сувидан тўлдирилган. Учинчи жиҳати—Қарши сардобасининг гумбази бошқа сардabalар каби пастқам эмас, бироз тикроқ қилиб бунёд этилган. М.Е. Массон ўз китобида ушбу сардoba таърифига анча ўрин берган. Олимнинг кўрсатишича, Регистон майдони ёнидаги сардoba пишиқ ғиштлардан қурилган ва тўртта кириш жойи бўлган. Цилиндр кўринишидаги ички сув ҳавзасининг диаметри анча катта 14 метр бўлиб, сардoba тубига 40 зина билан тушилган. Сардoba гумбази ер юзидан 7 метргача кўтарилиб турган [31].

Сардобага сув, юқорида қайд этилганимиздек, Файзобод ариғидан, пастки қисми тошдан, усти пишиқ ғиштдан ишланган ёпик ариқча орқали келиб қўйилган. Сардобадан сал нарида бир неча қудуқлар бўлиб, улар олдида туялар ва отларнинг сув ичиши учун тошдан ўйиб ясалган охур (сувоқ)лар қўйилган. Бироқ, ҳар қандай улов ёки ҳайвоннинг Регистон майдонига ўтишига йўл қўйилмаган. Тош охурлар ҳам сардoba ва унга келадиган усти ёпик ариқдан узоқда жойлашган. Чунки ҳайвонларнинг тезаги ва шилтаси сизиб сардобадаги сувни буғламаслиги, ифлос қилмаслиги кўзда тутилган. Охурлар маҳсус сув ташувчилар—мешкобчилар томонидан доимий равища тўлдирилиб турилган бўлиб, ўтган босқинчилик урушлари, талатўпларда бошқа обидалар қатори Қаршидаги сардoba, айниқса, унинг ноёб гумбазига қаттиқ шикаст етказилган. Бизгача сардобанинг факат ер остидаги қисмигина сақланиб қолган эди. Мустақиллик йилларида Қарш шахрининг 2700 йиллик байрами

муносабати билан мазкур сардоба тўлиқ қайта таъмирланди ва халқ томошасига қўйилди.

1.2.2. Ҳовузлар

Ҳовуз–сув йигиш ва сақлаш учун қазилган чукур жой; ўтмишда улар ичимлик суви сақланадиган сунъий сув ҳавзаси ролини ҳам бажарган. Ҳовузларнинг тўртбурчак, айлана кўп (6–8) қиррали қўринишга эга турлари мавжуд. Ҳовузлар Ўрта Осиё ва Яқин Шарқнинг айrim мамлакатларида кенг тарқалган; асосан масжидлар ёнида шаҳарлар майдонлари, боғлар, чорбоғлар, сарой ҳовлиси ва маҳаллалар гузарларида бунёд этилган; қирғоқлари тошлар ёки ёғочлар билан қопланиб атрофи дараҳтлар экиб мустаҳкамланган. Ҳовузлар фавворалар билан боғлиқ бўлган. Ҳовузнинг қадимдан шаҳарсозлик ва меъморчиликдаги аҳамияти катта. Қадимги Мисрда тўғри тўртбурчак шаклидаги ҳовуз ҳовлидаги йўлакнинг 2 томонида бунёд этилган [4]. Кейинчалик меъморий мажмуалар ансамблларида ҳовуздан унумли фойдаланила бошланган: Аградаги Тожмаҳал, Бухородаги Ситораи Моҳи Хоса (1–расм), Лабиҳовуз, Болоҳовуз ва бошқалар шулар жумласидандир. XVIII асрга оид ёзма манбаларда қайд этилишича, Тошкентнинг марказий майдони–Регистон ва Шайхонтохурда энг катта ҳовузлар бўлган, унинг атрофига тут, чинор дараҳтлари ўсган, қўлёзмаларда ишланган миниатюраларда ҳам ҳовуз ўз ифодасини топган. Туркия меъморлигига уй деворларига тақаб яrim айлана шаклида бунёд этилган ҳовузлар ҳам учрайди. Мармар қоплаб ишланган ҳовуз бежирим қўринишга эга бўлган, сиртлари равоқлар, гулдасталар, жез панжаралар билан безатилган [9].

Бухоро шаҳрида 300 дан ортиқ ҳовуз бўлганлиги XIX аср хужжатларида қайд қилинган. XX асрда эса санитария талаблари баҳонаси билан аксари ҳовузлар куритиб, ўрнига бинолар қурилган. Ҳозирда Ўзбекистон ҳудудида табиий шароитларни ҳисобга олган ҳолда ҳовуз (сув

ҳавза)лари бунёд этилади, улар фавворалар билан уйғунликда ажойиб манзара, сўлим масканлар ҳосил қиласди.



1-расм. Бухородаги Ситораи Мохи Хоса боғ саройи қошидаги ҳовуз. Ўрта Осиёда ўтмишдан бизгача сақланган энг улкан ҳовузларнинг бири.

1.2.3. Чархпалаклар

Чархпалак–сув сугориладиган ерга нисбатан анча пастда оқадиган ариқ ва анҳорлардан сувни юқорига кўтариб берадиган иншоот; айланаси бўйлаб чўмичлар ўрнатиб қўйиладиган парракли катта ғилдирак. Ғилдирак диаметрининг ўлчами анҳор ёки ариқнинг катта–кичиклигига қараб олинган. Чўмичлар сони ғилдиракнинг диаметрига боғлиқ. Окиб турадиган сув ғилдирак парраклари (кураклари)га таъсир қилиб, ғилдиракни айлантиради, шунда чўмичлар сувга тўлади. Ғилдирак оғиши билан чўмичдаги сув новга қўйилади, новдан ариқча орқали керакли жойга оқади. Чархпалак қадимги сув иншооталридан бири ҳисобланади. Дастлабки чархпалаклар мил. ав. 4–3 минг йилликда пайдо бўлган [25].

Қадимда Ўзбекистон ҳудудида ҳам чархпалак асосий сув чиқариш воситаси ҳисобланган. XIX–асрда насослар пайдо бўлгач, чархпалакларга бўлган эҳтиёж камайди, лекин айрим жойларда ҳозир ҳам маданият–истироҳат боғлари ва болалар майдонларига ўрнатиладиган қўнгилоchar ишоот сифатида фойдаланилиб келинмоқда.

1.3. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОБЪЕКТЛАРИ

1.3.1. Жувозлар

Жувоз (форс.–ўғир)–мойли ўсимликлар уруғидан (мас., чигитдан) мой чиқарадиган дастгоҳ, мойжувоз. Жовуз қандай ўсимлик уруғидан мой ишлаб чиқарилишига кўра бир неча хил бўлади, чунончи: мой жувоз, шоли оқланадигани–обжувоз, қоғоз жувоз. Улов (от, хўқиз) ёки сув кучи билан юритилади. Жувоз қурилмаси ёки иншооти кунда, ўқ, қайиқ, гжақ, ёғоч (мўмиқ), тўғин каби қисмлардан иборат бўлади. Кунда (узунлиги 3 м.ча, йўғон томонининг диаметри 55–60 см) ўрик, тут, қайрағочдан тайёрланади. Ингичка томони ерга 2 м.ча кўмилиб, усти юзаси ўғир шаклида ўйилади ва юхона деб аталади, унга чигит, кунжут, зифир, турли уруғ (қовун, кунгабоқар ва б.), яъни хомашё солинади. Юхонанинг ўртасидан ўқ уни сингари қилиб ғазна ўйилади. Ғазна чуқурчасида ўқнинг айланиши натижасида хомашёдан сизиб тушган ёғ тўпланади. Ўқни айлантириш учун унинг учига гажак (узунлиги 1,2 м.ча ёғоч) бириктирилади. Гажакнинг пастки уни қайиқ (узунлиги 1 м.ча йўғон юзасининг бир томони ўйиб ичига тош тўлатилган, икки ёнидаги тешикларига кундани ўраб ўтган тўғиннинг учлари қоқилган қурилма) ўртасидаги ёғоч (мўмиқ)га боғланади. Жувозга қўшилган улов юрганида қайиқни олдинга суради, қайиқ эса гажакни, гажак ўз навбатида ўқни айлантиради, ўқ хомашёни эзиб, таркибидаги мойни ғазнага ҳайдайди. Ғазна мойга тўлгач, жувозкаш жувозни тўхтатиб, мойни олади. Мой берувчи ўсимлик уруғларидан жувозларда олнадиган мой жувоз мойи деб аталади (асосан зифир уруғидан

тайёрлангани учун зифир ёғи деб ҳам юритилади). Жувоз мойи кунжкут, кунгабоқар, қовун уруғи, чигит ва ёнғоқ мағизидан аралаштириб тайёрланганда шифобахш неъматга айланади. Қоғоз жувозда эски увада, ёғоч қукуни ва б. эзиб, ун қилинган, сўнг қайнатиб, ундан қоғоз қўйилган [27].

Жувоз ҳайдайдиган киши жувозкаш, унинг машғулоти, касби жувозкашлик дейилади. Жувозкашлик қадим замонлардаёқ пайдо бўлган Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон қишлоқларидағи йирик деҳқон хўжаликлари мой ишлаб сотиш учун, баъзан майда деҳқон хўжаликлари эса ўз эҳтиёжи учун шахсий жувозхонага эга бўлганлар. Ёғ ва қоғоз саноатининг ивожланиши туфайли жувозкашлик касби анча сусайди. Ҳозир ҳам жувозкашлик учраб туради.

1.3.2. Тегирмонлар

Тегирмон—ун тегирмони—донни янчиб унга айлантирадиган қурилма, иншоот. Ибтидоий жамоа давридаёқ пайдо бўлган. Дастрраб дон—дун тошлар билан қўлда янчилган. Кейинчалик оқар сув ва шамол кучи билан ишлайдиган тегирмонлар қурилган. Ўзбекистон худудида асосан сув тегирмонидан фойдаланилган [5]. Сув тегирмони дўла, коса, шакилдоқ, тош, гупчак, паррак, ёғоч, хомма ва бошқа қисмлардан иборат. Новдан тушаётган сув парракка урилиб, теирмон тошини ҳаракатга келтиради. Тегирмон тошга тегиб турадиган ёғоч эса косани тебратади. Дўладан тушаётган дон косанинг тебраниши натижасида тегирмонтош чуқурчасига тушади. Тош айланиб донни эзади, донни унга айлантириб хоммага тўплайди. Хомма унга тўлганда тегирмончи тегирмонни тўхтатиб, унни бўшатиб олади. Қадимда Ўрта Осиёда улов қўшиб ишлатиладиган тегирмон ва қўл тегирмонларидан ҳам кенг фойдаланилган. Сув ва шамол тегирмонлари ҳозир ҳам айрим жойларда сақланиб қолган. Ўзбекистон худудида ўтмишдан келган шамол тегирмони учратилмаган.

1.3.3. Яхтангилар

Шарқ мамлакатларининг ўрта асрлардаги майший турмуш ва хўжалик иншоотлари қаторига “яхтанги”, яъни қор ёки муз сақланадиган иншоотлар ҳам киради. Гуп шундаки, иссиқ иқлимли, айниқса иссиқ ва қуруқ иқлимли мамлакатларда, шу жумладан Ўрта Осиё мамлакатларида ёз фаслида аҳолининг турли хил майший турмуш шароитлари ва хўжалик эҳтиёжлари (масалан, яхна овқатлар ва ичимликлар тайёрлашда, яшаш хоналари ва кўшклар ҳавосини совутишда, табобатда тез бузилувчи ва айнувчи дори–дармонларни сақлашда ва шу каби бошқа ҳолатларда) аҳолининг муз маҳсулотларига эҳтиёжи катта бўлган.

Яхтангилар асосан қиши фаслида музлаган қор билан тўлдирилган. Уларнинг жойлашиши ер рельефи талабларига кўра сардобаларни қуриш мумкин бўлмаган ва самарасиз ҳисобланган жойларга тўғри келади, яъни шаҳарлар ва уларнинг четларига, шаҳарлараро асосий йўллар ёнига, айrim ҳолларда қишлоқларда жойлаштирилган [35].

Масалан, IX асрнинг художўй–олими, тарихчи Абу Хорун Котибнинг ёзишича, Балх шаҳри ва вилоятида, унинг даврида 1200 та сардоба, 300 та ҳовуздан ташқари 400 та муз сақланадиган иншоот–“гунбади яхдан”лар бўлган [7]. Бундай иншоотлар нафақат Балх шаҳри ва вилоятида, балки Марказий Осиё ва ўрта асрлар Шарқ мамлакатларининг бошқа вилоятларида ҳам қурилган.

Яхтанги тарҳда айлана ёки тўртбурчак шаклда, усти кўп ҳолларда гумбаз билан ёпилган хом ёки пишиқ ғиштлар билан қурилган, бироқ сарdobalarга ўхшаб чуқур резервиар (ҳовуз)га эга бўлмаган.

Яхтангилар ҳақидаги маълумотлар, шунингдек Абулваф Бузжонийнинг (Х аср) математик трактатида ҳам учрайди. У тарҳи ва ҳажми устувон, яъни цилиндрик ёки кўп қиррали шаклда бўлган қурилмалар ҳақида гапира туриб, бундай шаклдаги қурилмаларга яхтангиларни ҳам киритади [35]. Бизгача тарҳи чорсу кўринишида бўлган

яхтангилар ҳам етиб келган. Масалан, Қарши вилоятидаги Усти очиқ яхтанги. М.Е. Массоннинг фикрича, бу яхтангининг усти дастлаб ёпиқ бўлган. Сўнгра вақт ўтиши билан унинг усти бузилиш натижасида қулаб тушган ва шу ном билан бизгача етиб келган [16].

Туркманистоннинг Мавр шаҳрида гумбази конуссимон ёки урчиқсимон кўринишида бўлган, бироқ тўғридан–тўғри ер устида қурилган яхтангининг харобалари учраган. Шунга ўхшаш яхтангилар Эроннинг Себзевар шаҳри яқинидаги Зафарони қишлоғида ҳамда ушбу ўлканинг бошқа жойларида ҳам учраган [29].

Эронда XX асрнинг биринчи ярмида илмий экспедицияда бўлган врач–гигиенист Ф. Тализин бу ерда Наим шаҳрига елтувчи йўлдаги чойхона ёнида қурилган яхтанги–музхонани учратади. У чуқурлиги 15 метрча бўлган муз ҳандагига эга бўлиб, усти гумбаз билан ёпилган. Пишиқ ғиштдан ишланган гумбази устидаги тешик кўриниб турган. Ҳандак муз билан тўлдирилган бўлиб, яхтангига кириш жойи шуваб қўйилган. Гумбаз остидаги ҳаво термос ролини бажариб музни эриб кетишдан сақлаган. Бунинг устига гумбазнинг икки томони шундай баландликдаги лой девор билан кўтарилиганки, токи қишида пастлаб тушадиган қуёш нурининг исталган йўналишида ҳам музхона юзига соя тушиб турсин. Ушбу йўл билан ҳандакдаги муз то тубигача доим музлаб турган [29].

Яхтангилар уларнинг гумбази асосида ўрнатилган тешик орқали қор билан тўлдирилган. Ўзбекистон ҳудудидаги Бегичоқ яхтангида шундай тешиклардан 6 та, Мевр яхтангисида эса икки томонида биттадан 2 та тешиклар бўлган. Усти очиқ яхтангини қор билан тўлдириш учун эни 4,3 метр бўлган кириш жойидан фойдаланилган [16].

Яхтангилар ҳандагининг диаметри 8,5 дан то 17 метргача ўзгариб турган, айrim ҳолларда ҳатто 20 метрдан ошган. Ҳандак чуқурлиги ҳам тахминан шу атрофда бўлган. Яйrim яхтангилар атрофи, юқорида айтиб ўтганимиздек, лой–пасха девор билан айлантирилган. Фақат кириш жойи

қолдирилган. Девор яхтанги юзасига доимо соя тушиб туриши ва уни ташқи зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиши учун фойдаланилган [35].

Шундан қилиб, яхтангилар фойдаланишда ўта қулай ва қурилишда жуда тежамли иншоот бўлиб, Шарқ халқлари ўтмишида майший турмушки эҳтиёжлар ва уларни муз билан таъминлашда такрорланмас роль ўйнаган.

1.3.4. Устахоналар

Устахона—касб—хунар эгалари—*усталар* ишлиши учуп маҳсус жиҳозланган жой, ишхона. Шарқ (жумладан, Ўрта Осиё)да усталар, асосан, кўча юзига қаратиб, уйларидан маҳсус жой ажратиб, устахона қилганлар; шу тарзда заргарлик, темирчилик ва бошқа устахоналар маҳалла (расталари юзага келган. Шунингдек, устахонада усталар ишлеш билан бирга “уста—шогирд тизими” асосида шогирдлар ҳам тайёрлаган; бу анъана ҳозир ҳам сақланган. Устахоналардан шунингдек саноат корхоналарида тузатиш ишлари олиб бориладиган бўлим сифатида ҳам фойдаланилган.

Темирчилик устахонаси темирни болғалаб турли буюмлар (кетмон, ўроқ, теша ва бошқалар) ясашга мўлжалланган жой. Темирчилик кишилик жамиятигининг энг қадимги даврларидан пайдо бўлган. Милоддан ав. 3–4 минг йилликда Эрон, Месопотамия, Мисрда темирни совуқлайн ва киздириб болғалаб, турли хил аслаҳалар, меҳнат қуроллари ва бошқа буюмлар ясалгани маълум, Ўзбекистон худудида темирчилик иши маҳсус дўконда амалга оширилган. Темирчилик дўконида—ўчоқ, қўра, супа, ўра, чўпкунда; иш қуролларидан сандон, босқон, болға, омбур, эгов, чарх, дам ва ҳоказолар бўлган. Темирчи темирни оташдондаги ўтга қўйиб қиздиради, металл тобига келиб, оқ тусга киргач, уни сандонга қўйиб, зарур шаклга келгунча болғалайди. Бу ишлар уста, бозғончи ва дамгир томонидан бажарилган [38].



—расм. Темирчилик устахонасининг ички кўриниши.

1.4. Тадқиқот объектларининг типология

Ўзбекистонда XIX–XX асрлардаги майший турмуш, хўжалик ва ишлаб чиқариш иншоотларининг типологияси мазкур тадқиқотда уч гурухга бўлиб ўрганилди.

Биринчи гурухга майший турмуш қурилмалари ва иморатлари кирий, уларга обзан, ҳаммоллар, гармобалар ва оловхоналар (эркаклар уйи) киритилган.

Иккинчиси хўжалик иншоотлари ва қурилмалари гурухи бўлиб, уларга ҳовузлар, сардобалар, чархпалаклар, чигирлар, коризлар, тўғонлар ва бандлар киритилган.

Учинчи гурух ишлаб чиқариш иншоотлари ва иморатларини қамраб олиб, уларга устахоналар, жувозлар, тегирмонлар, осиёйи об (шолини пўстлоғидан ажратувчи сув тегирмонлари), яхтангилар, қофоз жувозлар киради (1–жадвал).

1-жадвал. Тадқиқот обьектларининг типологияси.



I-боб хulosasi

1. Ўзбекистон худудидаги мавжуд табиий–иқлим шароитлари (иссиқ, қуруқ иқлим, сувсиз дашт ва чўл зоналарининг кўплиги, ўрмон ва дарахтсимонлар ресурсининг этишмаслиги, тоғ ва тоғолди зоналарининг мавжудлиги, кучли зилзила ва бош.) бу ўлкада қадимдан хўжалик ва суғориш иншоотлари, майший турмуш иморатлари, боғдорчилик ва ишлаб чиқариш иншоотларининг шаклланишига сабаб бўлган.

2. Кейинги йилларда халқ хўжалигининг барча соҳаларини экологизациялаш ва иқтисодий тежаш жараёни алоҳида долзарб масалага айланиб бормоқдаки, бунда архитектуранинг роли ўта муҳимдир. Масалан, бу энергияни тежаш, қурилиш материаллари ва конструкцияларидан, биноларнинг очиқ ва ёпиқ меъморий муҳитидан самарали фойдаланиш каби масалаларга боғлиқки, булар қурилаётган иморатларни нафақат

функционал-ҳажмий тўғри ташкиллаштириш, балки уларнинг меъморий-режавий ечимларидан қайта тикланувчи табиий ресурслар-шамол кучи, ёғин сувлар, қуёш энергияси кабилардан унумли фойдаланишни талаб этади. Ўтмишнинг ана шундай иморатлари қаторига тегирмонлар, мойжувозлар, коризлар, сув тўпловчи ва уни юқорига чиқарувчи қурилмалар, шамолни тутувчи баланд айвонлар, сувни сачратувчи, йигувчи иншоотлар халқнинг майший турмуш шароитини, халқ фаровонлигини, юртимизнинг иссиқ-куруқ иқлим шароитида қулай микромуҳит ва шинамлик яратиш имконини берган. Шунинг учун ҳам улардан халқ унумли фойдаланган, улар меъморчиликда тежамкорлик ва самарадорлик манбаи ҳисобланган.

3. Тадқиқотнинг асосий масалаларига тадқиқот обьектига кирган иморат ва иншоотларинг шу чоққача Ўзбекистон архитектурашунослик фанида тўлалигича ўрганилмаганлиги, бу иморатлар гурухига илму-фанда кам эътибор берилганлиги ва натижада Ўрта Осиё халқлариинг хўжалик ва майший турмуш обьектларини қуришдаги азалий анъаналари ва уларнинг ривожланиши босқичлари, бу соҳадаги миллий қадриятлари, илм-фан ютуқлари ва тарихий меросга этарлича илмий баҳо берилмаганлиги каби масалалар киради. Тадқиқот фарази эса ушбу қатламдаги тарихий обьектлар архитектураси ва уларга хос бўлган хусусиятлардан замонавий меъморчиликда фойдаланиш, бизгача сақланган шундай иморатларни таъмирлаш ва қайта тиклаш ишларида эътиборга олишdir.

4. Ўрта Осиёда дехқончилик ва шаҳарсозлик маданияти қадимдан сунъий суғориш иншоотлари билан боғлиқ бўлган. Шунинг учун ҳам ўтмишда сув таъминотига мўлжаллаб яратилган хўжалик иншоотларининг таснифи турли-тумандир. Уларнинг бир гурухи бевосита суғорма дехқончилик билан боғланган бўлиб, тўғонлар, бандлар, сув айиргичлар, акведуклар, каналлар, коризлар ва ариқлардан иборат бўлса, иккинчи гурухи ҳовузлар, қудуқлар, сардобалар ва яхтангилардан ташкил топиб тоза ичимлик сувини склаш билан боғлиқ бўлган. Биринчи гурух

иншоотлари булоқ ва оқин сувларини тўплаш ва истемолчиларга етказиб беришга хизмат қилса, иккинчиси ер ости сувларини қазиб олиш, ёмғир ҳамда қор сувларини тўплаш, тоза сақлаш ва аҳолини чимлик суви билан таъминлашга қаратилган. Ичимлик суви нафақат шаҳар ва қишлоқларда, балки карвон йўлларида ҳам керак бўлган. Савдо йўлларида ҳаракат қилувчи карвонларнинг тўхташ жойларида қудуқлардан кўра сардобалар кўпроқ курилган.

Сардобалар қуриш қадим замонлардан бошлаб, аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминлашдек давлат аҳамиятидаги муҳим вазифалар қаторига кирган.

**П–БОБ.
ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ
МЕЙМОРИЙ–РЕЖАВИЙ ҲАЖМИ ВА КОНСТРУКТИВ
ЕЧИМЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

Кечаги тарих биз учун ҳаёт мактаби, бамисоли тиник бир кўзгу. Унга қараб сабоқ оламиз, хуоса чиқарамиз, келажсак йўлини белгилаймиз.

И.А. Каримов

2.1. Меъморий–режавий ва ҳажмий ечимлар

Тарихий ва археологик маълумотларга қараганда, ўтмишдаги Ўрта Осиё ҳамомларининг архитектураси бой ва ранг–баранглиги билан ажralиб турган. Самарқанддаги Мирзо Улуғбек томонидан қурдирилган ҳаммом, айниқса, машхур бўлган. Мовароуннахрда ҳам, Хуросонда ҳам унга teng келадиган ҳаммоллар бўлмаган. Бу ҳаммом ўзининг зийнатли безаклари ва нақшлари билан эътиборни жалб этган [32]. Гумбазлардаги рангдор ойналари, мураккаб композицияда ишланган қуббалари билан Бухоро ҳаммоллари ҳам ажralиб турган. Шунингдек, Шахрисабз ва Тошкент ҳаммоллари ҳам ўзига хос архитектурага эга бўлган.

Ўрта Осиё ҳаммолларидаги хоналар ҳажми ва лойиҳасига, конструктив ечимлари ва вазифаларига қараб уч гурухга бўлинади [33]:

1. Чўимилиш хоналари. Улар бинонинг пишиқ ғиштдан қурилган асосий қисмини ташкил қиласида ва одатда гумбаз ва равоқлар билан ёпилган бўлади.
2. Синч девордан ишланган ва усти ёғоч ходалар билан ёпилган ечиниш хоналари.
3. Бинонинг орқа томонида жойлашган ёрдамчи хоналар.

Ҳар бир хоналар таркиби ва улар орасидаги ўзаро функционал боғланишлар турли хил ижтимоий–иқтисодий ва маҳаллий шароитларга қараб ўзгариб турган. Зеро, ўтмишдан ўзгармай келаётган хоналар ва уларнинг боғланиш тартиби ҳам борки, улар Ўрта Осиё халқларининг

тарихий шифобахш удумлари ва қуруқ иссиқ иқлиминг ноқулай шароитларини енгиллатиш заруриятидан келиб чиқсан бўлса ажаб эмас. Ечиниш хонаси, лунги хона, катта гумбаз (ёки илиқ юваниш хонаси), массаж хона, иссиқ хона ва совуқ хоналар бунга мисолдир.

Хоналарнинг планда жойланишидаги ва ўзаро функционал боғланишидаги асосий тартиб–бу хоналар ҳароратининг аста–секинлик билан ортиб боришидир. Бу хил ҳаммоларнинг афзаллиги шундаки, ҳар қайси ювинувчи ўз танасига мувофиқ келадиган ва ҳолатига салбий таъсир қилмайдиган ҳароратга эга бўлган хонани танлаб, ўша ерда юваниши мумкин.

Ўрта Осиё халқ ҳаммоларини қуришдаги асосий услублар ва умумий қоидалар қўйидагилардан иборат [30]:

1. Бинонинг фазовий кўлами берк, юваниш хоналарининг планда зич жойлашган ихчам кўриниши.
2. Юваниш хоналари учун гумбазсимон ва равоқ томлар, ечиниш хоналари учун эса текис томлар қўллаш.
3. Пол остидан иситиш системасини қўллаш: унда пол ости, хоналар ва сув иситилишининг умумийлиги.
4. Хўл ва иссиқ режимдаги хоналар деворларини ташқи мухит таъсиридан сақлаш: бунинг учун уларни планда қуруқ ёки намроқ режимдаги хоналар билан туташтириш.
5. Соғломлаштирувчи шифобахш–гигиеник хоналарнинг турғунлиги ва уларнинг шартли боғланиши: ростланиш хонаси, илиқ юваниш зали ва массаж учун супалар, ундан иссиқ ва совуқ хоналарга ўтиш.
6. Хоналарни уларнинг намлик ва иссиқлик режимига қараб ориентирлаш шарти: нам ва хўл хоналарни жануб ёки жанубий–гарб томонга, қуруқ хоналарни эса шимол ёки шимолий шарққа қаратиб қуриш.
7. Бинони қуришда маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланиш.

Юқорида баён қилинган халқчил одатлар замонавий халқ ҳаммомларида ҳам кенг қўлланилиб, янада такомиллаштирилмоқда. Ҳаммомлар фақат халқ меъморчилигидагина ривожланиб қолмасдан, балки лойиха институтлари ва ташкилотлари томонидан ҳам ишланиб келмоқда. Кейинги пайтларда Республикаизда қишлоқ ва туман марказлари, шаҳарлар учун мўлжалланган бир қанча индивидуал ва янги типдаги лойихалар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Уларда буғхоналар, шифобахш душ бўлимлари, ҳовузлар, якка тартибда чўмилиш номерлари, дам олиш, чой ичиш ва тамадди қилиш хоналари мавжуд. Шунингдек косметик хоналар ҳам бор.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон архитекторлаи янги биноларни лойихалаш билан бир қаторда жойлардаги мавжуд ҳаммомларни қайти тиклаш устида тинимсиз изланмоқдалар. Гап шундаки, XX–асрнинг 50–60 йилларда қурилган айрим халқ ҳаммомларида ҳатто ванна–душ номерлари ҳам йўқ эди. Бундан ташқари шаҳар ва туманлардаги русча типда қурилган ҳаммомлар бугунги кунда ҳам техник, ҳам хизмат кўрсатиш турлари жиҳатидан анча эскирди. Кейинги йилларда халқимизнинг турмуш фаровонлиги ошди ва маданият юксалди, халқимиз янги турмуш тарзига кирди. Ҳаммом биноларини қуриш соҳасида янги анъаналар, йўналишлар рўёбга чиқди ва тажрибалар тўпланди. Ўлкамиз қишлоқларида ҳам бир қатор ажойиб ҳаммом бинолари курила бошланди. Лекин ҳозирги вақтда Республиқмизнинг ҳамма шаҳар ва қишлоқларида ҳам ҳаммомлар етарли деб бўлмайди.

Архитекторларимиз олдидағи энлиги вазифа ҳаммом қурилишидаги ана шу янги ғоя ва йўналишларни давом эттиришdir. Агар узоқ йиллар давомида тўпланган халқ тажрибаларига амал қилинса, халқимизнинг шифобахш–гигиеник удумларидан муваффакият билан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Наинки ҳаммомлар Шарқ табобат оламда bemорларга ёрдам кўрсатишда шифобахш–гигиеник муолажалар қаторига кирганлар.

2.2. Конструктив ечимлар ва қурилиш материаллари

Шуниси эътиборлики, Ўзбекистон худудида бизнинг давримизгача сақланиб қолган қадимги сув иншоотлари, хусусан уларнинг конструкцияси ва қурилиш материалларидан тортиб, то математик ечимлари борасида қўлимизда тўпланган аниқ маълумотлар, қадимги миришкор бобо дехқонлар ва сугориш ишларининг омилкор мироблари қишлоқ хўжалиги ва ирригация соҳасида зироатчилик агротехникасининг нодир усуллари билан бир қаторда сув ресурслари, хусусан улар билан боғлиқ бўлган гидравлика ва гидромеханика асослари бўйича узоқ асрлик тажриба ва аниқ билимларга эга бўлганликларини кўрсатмоқда. Ҳатто сув босими хақида қонун яратган машҳур француз физиги Блез Фаскалнинг (XVII аср) кашфиёти 7 аср муқаддам, яъни X асрдаёқ, мовароуннахрлик мухандис мироблар томонидан амалда (Хонбанди сув омбори тўғонини қуришда) қўлланилган экан [17].

Қадимги хўжалик ва сув таъминоти билан боғлиқ иншоотлар устида сўз борар экан, ўз–ўзидан цемент ихтиро қилинмаган ўрта асрлар шароитида қандай қилиб гидротехника иншоотлари қурилган деган савол туғилиши табиий. Сув иншоотлари қуришда тош ёки пишиқ ғиштларни бир–бирига бириктирувчи цемент масаласи қадимги ирригатор–бинокорлар учун энг муҳим масалалардан ҳисобланган. Чунки тош ва пишиқ ғиштлардан қурилган иншоотларнинг мустаҳкамлиги ишлатилган қурилиш қоришималарининг таркибига боғлиқ бўлган. Агар қоришим доимий намлик шароитига бардош бериб емирилмаса, иншоот вайрон бўлмай ундан узоқ вакт давомида фойдаланилган. Акс қолда у тезда қулаб кетган. Ўрта Осиёлик қадимги бинокор усталар гидротехника иншоотлари қуриш учун сувга чидамли ажойиб бириктирувчи қоришималарни излаб топишган. Масалан, қадимги сув омборлар тўғонини қуришда йўнилган тош бўлакларини бир–бирига бириктириш учун ишлатилган қоришималар сувга чидамли қурилиш қоришимаси масаласи илк ўрта асрлардаёқ ҳал

этилганини кўрсатади. Ҳақиқатдан ҳам уларда ишлатилган бириктирувчи қоришма турлари кашф этилмаганда эди, бундан 5–10 аср муқаддам қад кўттарган Хонбанди, Риштбанд, Абдуллахонбанди ва бошка инженерлик типидаги мураккаб ирригация иншоотлари қурилмаган бўларди.

Шуни эслатиш керакки, ўрта асрнинг ҳамма ҳунармандлари сингари, бинокор усталар ҳам бинокорлик маҳсулотларини тайёрлаш усувларини бошқалардан, айниқса ўз ҳамкасларидан сир тутишган. Отанинг ҳунарини бола ўрганиб, бу ҳунар авлоддан–авлодга ўтган бўлса ҳам, унинг сирлари ҳеч қачон ва ҳеч қаерда ёзилмай, кўпчилик учун номаълум бўлиб қолган. Шу сабабли бўлса керак, халқ орасида қадимги ирригация иншоотларида ишлатилган бириктирувчи қоришмаларнинг таркиби ва тайёрлаш усули тўғрисида турли хил қизиқ афсоналар учраб туради. Абдуллахонбанди сув омборида олиб борилаётган археологик қазилмаларни томоша қилгани келган оқчоблик қариялар тўғоннинг қурилиши тўғрисида ота–боболаридан эшитган қизиқ бир ҳикояни айтиб беришди.

Ҳикоянинг мазмунига қараганда, Абдуллахонбандини қуриш вактида юзлаб тоштарошлар тордан тош синдириб йўнган ва бинокор меъморлар ганч пиширган эканлар. Тайерланган ганчхоки мешларда олиб келинган тужирибани билан шиннига қорилган. Сўнгра тор тошлари мана шу ганч қоришмаси билан бириктирилиб, тўғон қурилган [17].

Айрим ривоятларга кўра 1127 йилда қурилган Минорайи Калоннинг ганчи ҳам тужирибани билан шиннига, XV асрда Марказий Қозогистонда бунёд этилган Алашахон мақбараси ғиштининг лойи бия сутига қоришириб тайёрланган. Бу ҳикояларда қурилиш қоришмаларини тайёрлаш усули ҳар қалай афсонадек бўлиб туюлса–да, у бизда қадимги бинокорлар томонидан тайёрланган ганч, ганчхок ва қир номлари билан юритилиб келинган қурилиш қоришмаларининг таркибини кимёвий йўл билан аниқлаш фикрини уйғотган эди.

Шу мақсадда ўрта аср сув иншоотларидан бир нечтасининг турли қисмларидан алоҳида–алоҳида бириктирувчи қоришма намуналари

олиниб, Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих ва археология институтининг археология технологияси ва реставрация қилиш лабораториясида кимёвий таркиби таҳлил қилдирилди. Техника фанлари номзоди Н.С. Гражданкина томонидан бажарилган кимёвий таҳлиллар "туя сути билан шиннига қорилган" қадимги ганчларнинг сирини очиб берди. Уларнинг кимёвий таҳлили қуйидаги кўрсаткичларни берди [17]:

Иншоотнинг номи	Курилиш даври (аср)	Курилиш қориши масининг таркиби % ҳисобида			
		Ганч	Оҳак	Ўсимлик кули	Қум
Хонбанди	X аср	—	50	—	50
Фиштбанд	XII аср	—	80	20	—
Абдуллахонбанди	XVI аср	—	55	45	—
Қоровулбозор сардобаси (ҳовузи)	XVI аср	—	56	44	—
Қоровулбозор сардобаси (гумбази)	XVI аср	100	—	—	—

Кимёвий таҳлил кўрсаткичларига қараганда доимо сув остида турадиган гидротехника иншоотларини қуришда ўрта асрнинг меъмор–ирригаторлари оҳакка тенг миқдорда қўшилган қум ёки 25–30 фоиз ўсимлик кули аралашмасидан тайёрланган қурилиш қориши масидан фойдаланганлар. Айниқса сувда ўсадиган ўсимликлар қамиш, лух, шоли кипиги ва бошқаларнинг чала ёндириб, писта кўмирга айлантирилган кули билан оҳак аралашмаси юқори сифатли гидравлик қориши маънанинг [16]. Бундай қориши маънанинг чидамли бўлиб, иншоот ва биноларнинг доимо заҳда турадиган қисмларини ўрнатишда жуда қўл келган. Шунинг учун хам ўрта асрларда ўсимлик кули аралаштирилган оҳакдан тайёрланган қурилиш қориши масидан ирригация иншоотларидан ташқари кўприклар, ҳаммомлар, ҳовузлар, тазарлар — канализация иншоотлари қуришда ҳамда йирик меъморчилик обидалари, масжид, мадраса, минора, макбара, карвонсарой ва тим (усти гумбазли бозор ва хунармандчилик раста)ларнинг пойдеворларини ишлашда кенг фойдаланилган. Самарқанд ва Бухоронинг бинокор меъморлари бундай қурилиш қориши масини "қир" деб атashади. Бу қурилиш қориши масининг номи баъзи бир тарихий

асарларда ҳам тилга олинган. XIX аср Бухоро муаллифларидан Мир Абдулкарим Бухорийнинг "Ўрта Осиё тарихи" китобида келтирилган маълумотларга қараганда, салжуқийлар давлатининг ҳукмдори Султон Санжар (1118–1158) Мурғоб дарёсига пишиқ ғиштлардан тўғон курдирганда қир, ганч ва сопол қувурлар ишлатган [27].

"Қир" билан ишланган иншоот ёки бино пойdevори ниҳоятда мустаҳкам бўлганлиги учун бухороликлар қайси иш кўнгилдагидек пухта бажарилса, "қоро қир гашт", яъни ишлар қир бўлиб кетди деган иборани ишлатадилар. Дарҳақиқат, "қир" ўз даврида ўрта аср қурилишларида цемент ўрнида ишлатилган мустаҳкам бириктирувчи қурилиш қоришимаси бўлиб, Ўрта Осиё меъморчилигига ундан жуда кенг фойдаланилган.

"Қир"ни факат ирригация иншоотлари ва пишиқ ғиштлардан қурилган меъморий обидаларнинг пойdevорларини қуришда ишлатиб, бино ва иншоотларнинг доимий қуруқ ҳаво ва қуёшнинг иссиқ ҳарорати остида турадиган юқори қисмларини қуришда гипсдан тайёрланган ганч ва ганчхокдан фойдалангандар. Чунки "кир" доимий қуруқ ҳаво шароитида уқаланиб кетган. Бундан маълумки, қадимги бинокор–меъморлар сув иншоотлари ва йирик архитектура обидаларини барпо этишда намлик, иссиқ ва қуруқликларнинг қурилишга таъсирини ҳар томонлама ўрганиб, ҳар бир шароитнинг ўзига хос қурилиш қоришимларини кашф этишган.

Қадимги бинокор–меъморларнинг бу ажойиб кашфиётлари Ўрта Осиё архитектураси ва ирригация техникаси тарихида муҳим илмий аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда ирригация ва мелиорация ишларида, айниқса зовур ва канализация қувурларини бир–бирига улашда ҳамда архитектура ёдгорликларини қайта тиклаш ва таъмирлашда қадимги қурилиш қоришимларидан фойдаланиш мумкин.

2.3. Ер ости коризларининг конструктив қурилмалари

Дарё сувларидан узоқда жойлашган тоғ олди ва чўлга чегарадош худудларда асосий сув манбаларидан бири–ер ости сувлари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бундай вилоятларда яшаган аҳоли қадим замонлардан бошлаб ер ости қатламларидаги бой сув ресурсларидан ўз эҳтиёжи учун фойдаланишга ҳаракат қилган. Улар нишабсиз текис ерларда қудуқлар қазиб, қовга билан сув тортиб ўз эҳтиёжларини қондирган бўлсалар, паст–баланд адирлардан иборат тоғ этакларида юзлаб қудуқларни бир–бирига туташтирган антиқа ирригация иншооти–коризлар воситасидан ер ости сувларини ер юзига чиқариб, дехқончилик қилганлар.

Ўзбекистонда мана шундай антиқа ирригация иншоотларидан кенг фойдаланиладиган туманлардан бири Нуротадир. Бу ерда қадим замонлардаёқ барпо этилган коризлардан ҳозирги кунгача фойдаланиб келинмоқда. Нуроталиклар коризлар ковлаб ер ости сувларини ер юзига чиқариш тарихини эрамиздан аввалги 329–327 йилларда Ўрта Осиёга бостириб кирган македониялик Искандар билан боғлайдилар [36]. Нуроталикларнинг ҳикоя қилишларича Искандар Зулқарнайн Зарафшон водийсига қўшин тортиб келганда Нурота тизмасининг жанубий қаноти Оқтоғнинг энг юқори чўққисига чиққан. У тоғдан жануб томонга қараб Зарафшон дарёси ва обод водийни, шимол томонида эса дарахтсиз кенг майсазор яйловни кўрган. Ўшанда Искандар ям–яшил поёнсиз кенг даштга қараб бу вилоятнинг дарёси ер остидан оқар экан, деган эмиш. Сўнгра қўшинини Нуротага олиб келиб, 366 та ҳарбий қисм саркардаларига ҳар бири ўз отрядлари билан биттадан кориз ковлаши ҳақида буйруқ берган. Натижада 366 та кориз ковланиб, Оқтоғ этакларига сув чиқарилган ва Нурота атрофи обод бўлган [12].

Шубҳасиз, бу афсонагина бўлмай, балки Нуротанинг табиий шароити, жумладан, маҳаллий аҳолининг унинг гидрогеологияси устида узоқ вақт олиб борган кузатишлари натижасида тўпланган билимининг


якунидир. Шунинг учун ҳам Нурота вилояти остидаги оқар дарё тўғрисидаги халқ оғзаки маълумоти Искандар тили билан ҳикоя қилиниб, ер ости сувларидан фойдаланиш учун ковланган коризлар унинг номи билан боғлаб кўрсатилса—да, лекин у сувга танқис бўлган Нурота халқининг сув манбаларини излаб топиш ва жуда катта машаққатлар билан бапро этилган сув иншооталари—коризлар орқали ер ости сувларини ер устига чиқариш йўлида олиб борган машаққатли меҳнати тарихини ифодалайди.

Кориз—ер остидан ўтказилган мураккаб сув иншоотидир. Бундай ирригация иншоотини қуриш ниҳоятда оғир ва мураккаб бўлган. У машаққатли қўл меҳнатидан ташқари ер ости сувлари тўпланадиган қатламни, йил мавсумларида бу сувлар сатҳида рўй берадиган ўзгаришлар ва кориз чиқариладиган жой рельефидаги нишабликни жуда аниқ белгилашни талаб этарди.

Тажрибали коризчи гидротехниклар кориз чиқаришда даставвал қияликнинг баландроқ еридан ер ости сувигача шахмат усулида бир неча қудук қазишган. Қудуқлардаги сув сатҳи вақт—вақти билан белгиланиб турилган. Ер ости сувлари тортилиб, қудуқлардаги сув сатҳи энг пастга тушган февраль ойида кориз ковлашга киришилган. Иш ер нишабини белгилаш, яъни нивелировка қилишдан бошланган. Чунки ер нишабини аниқ ва тўғри белгилаш кориз трассасини ўтказиша ва ер ости сувларининг кориз орқали ер юзига оқиб чиқишида ҳал қилувчи роль ўйнаган [17].

XVI–XVII аср муаллифларидан Баҳоуддин Омулийнинг “Хулосатул ҳисоб” (“Ҳисоб натижаси”) асарида ёзилишича, ер нишабини белгилашнинг бир неча усули бўлиб, у маҳсус асбоблар воситасида амалга оширилган. Бундай асбоблардан бири Шарқда устурлоб номи билан юритилган астролябиядир. Устурлов гардиши 0 дан 360 даражагача бўлинган мис ёки жез доира (лимбо)дан иборат бўлиб, унинг марказидаги ўққа шарқ ва ғарб томонларни кўрсатувчи чизгич—алидада ўрнатилган. Бу

“изода” деб юритилган. Изоданинг тик қайрилган икки учиға иккита тешик (тирқиши)–диоптр ишланган. Уларнинг бири кўз, иккинчиси предмет диоптрдир. Ер нишабини белгилашда устурлов биринчи қудук тепасига ўрнатилган [17].



—расм. коризларнинг конструктив ечими ва қирқими: 1—сувли қатлам; 2 –қум; 3–лой қавати; 4—сув йифадиган лаҳм; 5—вертикал қудуқлар 6—сув ўтказадиган лаҳм; 7—сув олиб чиқадиган канал.

Нивелировка қилиб кориз трассасини белгилашда икки ёки уч киши катнашган. Биринчи киши қудук тепасида устурлов изодасидан кузатиб турган. Иккинчи киши бўйи қудук чуқурлигига teng бўлган узун хода ёки ёғоч рейкани олиб, сув чиқариладиган томонда уни тик ҳолда ушлаб турган. Устурлов изодасининг диоптрларидан қараганда, тик тутиб турилган ёғочнинг учи қудук оғзи билан бир хил горизонтал йўналишда бўлса, қудуқлар ер ости суви ўша нуқтада ер юзига оқиб чиқсан. “Агарда масофа хода учи кўринмайдиган даражада узок бўлса, ёғоч учиға чироғ бойлаб бу иш билан кечаси шуғуллан”,—деб маслаҳат беради Баҳоуддин

Омулий. Ер нишабини ўлчаш тўғрисида XVI–XVII асрларда ёзиб қолдирилган бу қадимги усул ҳозирги вақтда астролябия ва рейка билан ер усти бурчакларини ўлчаш усулига жуда ўхшайди.

Ер нишабини белгилашда ишлатиладиган асбоблардан яна бири шоқулли тарози–ватерпасдир. Ватерпас мис ёки темирдан тенг томонли учбурчак шаклида ясалган пластинкадан иборат бўлиб, унинг икки учига ҳалқалар ўрнатилган. Учбурчак юқори томонининг ўртасидан унинг пастки учига томон шоқул (оғирлик боғланган ип) осилган. Шоқулли учбурчак пластинка бўйи бир метрли иккита ёғоч рейкага таранг қилиб тортилган 10 м узунликдаги режа ипнинг ўртасига осиб ишлатилган. Бу асбоб оддий ватерпас бўлиб, уни маҳаллий ирригаторлар “тарози” деб юритишган. Чунки жой нишабини аниқлашда у худди оддий палладик тарозига ўхшаб гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга оғиб турган.

Тарози–ватерпас ёрдамида ер сатхини белгилашда уч киши қатнашган. Икки киши ёғоч рейкаларни тик ўрнатиб, режа ипини таранг тортиб турган. Учинчи киши тарозини режа ўртасига осиб, шоқулга қараб ер нишабини белгилаган. Текширилаётган текислик горизонтал вазиятда бўлса, аксинча шоқулнинг бир томони оғиб кетган. Шоқул оғган томонда ип учини ёғоч рейкадан пастга тушириб, шоқулни тарозининг тилига келтириш билан ернинг қанчалик қиялиги аниқланган. Шу тариқа бутун кориз трассаси белгилаб чиқилган. Демак, ер ости сув иншоотлари–коризлар қазишда устурлов (астролябия) ва шоқулли тарози (ватерпас) каби маҳсус асбоблардан фойдаланилган. Бу асбоблар ёрдамида ер сатҳидаги нишабликнинг аниқ ҳисоби олинган.

Нивелировка ўтказилиб, кориз трассаси аниқлангач, трасса бўйлаб ҳар 10 метрда қатор қудуқлар ковланган. Ер ости сувларининг тўпланган қатламига қараб сув чиқадиган бош қудуқларнинг чуқурлиги 18–20 м, баъзан ундан ҳам ошиқроқ бўлган. Қудуқлар теннель орқали бир–бирига туташтирилган. Бош қудуқлардан чиқсан ер ости сувлари мана шу туннель орқали оқиб чиқсан. Туннель “лағм” деб аталган. Унинг баландлиги 1,25–

1,5 м, эни 1 м бўлиб, узунлиги жой нишабига қараб бир неча километрга чўзилган. Масалан, нуротадаги Мастон деб аталган коризнинг 280 та қудуғи бўлиб, бош қудуғининг чуқурлиги 14 м ва лағмининг узунлиги 3 километрга teng эди. Коризнинг қудуқлар орасидаги устки қисми “пушта” деб аталган [17].

Коризни ковлашда лағм ўтказиш энг машаққатли ва энг масъулиятли иш бўлиб, ер ости сувларининг ер устига оқиб чиқиши лағмнинг тўғри ковланишига боғлик бўлган. Бунинг учун, биринчидан, қудуқларни бирлаштиришда қарама–қарши томонлардан ковланадиган лағмнинг бирор ёққа қийшайиб кетишига йўл қўймай, қудуқларни бир–бирига тўғри туташтира олиш, иккинчидан, кориз орқали ер ости сувларини ер устига оқиб чиқишини таъминлаш лозим бўлган. Шунинг учун ҳам лағмлар одатда 0,002–0,005 м нишабликда ковланган.

Кориз ковлашда бир қанча коризчи жамоалар ойлаб ва йиллаб лағм \амда қудуқлар қазиб, минглаб кубометр тупроқ ва шағалларни қазиб чиқаришган. Масалан, узунлиги 3 км бўлган 250–300 қудуқлардан иборат ўрта ҳужмдаги кориздан тахминан 7–8 минг кубометр тупроқ қазиб чиқарилган [12]. Нуротадаги коризлардан бирининг “Зулм” деб аталши ер ости сувларини ер устига чиқаришдаги меҳнат жараёнининг ниҳоятда оғирлигидан бўлса керак.

Маълумки, коризлардан бир меъёрда сув оқиб туриши учун улар ҳар йили тозаланиб, таъмирланади. Кориз тозалаш энг машаққатли ва оғир ишлардан ҳисобланади. Чунки кориздор дехқонлар ҳар йили эрта баҳорда 20–30 кун давомида коризнинг туннели ичидаги сув кечиб, лағм ва қудуқлар тубига чўккан лойқаларни қазиб чиқарганлар. Кўпинча кориз пуштаси чўкиб, лағмнинг каттагина қисини босиб қолар эди. Бундай ҳолларда лағмнинг босиб қолган қисми қайта қазилиб, ўпирилган жойлари ёғоч ёки тошлар билан мустаҳкамланар эди.

Ўзбекистоннинг тоғ олди ҳудуларида қадим замонлардан то ҳозирги кунгача коризлардан фойдаланиб келинмоқда. Ирригация техникасининг

бу қадимги тури кенг тарқалган вилоятлардан бири нуротадир. Нуротанинг қадимги коризларидан жуда кўпи кўмилиб кетган бўлса ҳам, ҳозирги вақтгача бу диёрда Мастон, Мастак, Зулфиқор, Зулм, Мозор, Хайробод, Султон, Кўнчи, Белги, Тайла, Коризча сингари бир қанча коризлардан қишин–ёзин сув оқиб турган. Нурота коризларининг ҳар биридан секундига ўрта ҳисобда 40–50 л сув оқиб чиқиб, 40–50 гектаргача ер майдонини суғоради [12].

Ҳозирги вақтгача ишлаб келган Нурота коризларининг кўпи XVI–XVIII асрларда қурилган бўлиб, ҳатто айрим коризларнинг номларидан уларнинг қазилиш тарихи–йили чиқади. Масалан, “Зулм” коризининг номидаги ҳарфларнинг йиғиндисидан 970 рақами ва “Зулфиқор” коризи номидаги ҳарфлардан 1118 рақамлари чиқади. Ҳижрий йил ҳисобида олинган бу рақамларнинг мелодий йилга айлантирилса, “Зулм” коризи 1533–1534 йилларда ва “Зулфиқор” коризи эса 1706 ёки 1707 йилда қурилганлигини аниқлаш мумкин. Шуниси ҳам борки, ҳозирги вақтларда сув чиқарилиб турилган кўпгина коризларнинг ёнида, уларга параллель равишда баъзан икки, баъзан уч қатор кўмилиб суви қуриб қолган кўхна коризларнинг ўзанлари жойлашган. Бу қуруқ ўзанлар, шубҳасиз, асрлар давомида Нурота коризларининг бир неча бор ишдан чиқиб, қайта тикланганлигининг гувоҳидир.

II–боб хулосаси

1. Дарё сувидан узокда жойлашган тоғ олди ва чўлга чегарадош туманларда ижодкор ирригаторлар қишки қор ва баҳорги ёмғир сувларини тўплаш учун сардобалар, булоқ сувлари учун қулфакли ҳовузлар, сел сувлари учун инженерлик асосида қурилган сув омборлари–бандлар ва ер ости сувларидан фойдаланиш учун коризлар барпо этиб, суғориш техникаси тараққиётiga ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган.

2. Қадимги ирригаторлар суғориш иншоотларини қуришда оқимнинг динамик ва босим кучларини ҳисобга олган ҳолда мураккаб техникавий масалаларни аниқ инженерлик ҳисоби асосида ижодкорона ечишга ҳаракат қилғанлар.

3. Ҳали цемент ихтиро этилмаган ўрта асрлардаёқ йўзбекистонлик бинокор–ирригаторлар сув ва намга чидамли маҳсус гидравлик қурилиш қоришимларини қашф этиб, сув иншоотлари ва бино пойдеворларини қуришда ҳамда канализация қувурларини ётқизишда улардан унумли фойдаландилар.

X–XVI асрларда инженерлик асосидаги йирик ирригация иншоотлари аввалдан тайёрланган лойихалар–тарҳлар бўйича қурилиб, бундай тарҳлар ҳандаса (геометрия), фаровиз (математика) илмларини мукаммал эгаллаган инженер–меъмор–муҳандислар томонидан тайёрланган. Муҳандислар қурилишларга бевосита раҳбарлик қилишган.

4. Ер ости сувларини ер устига чиқариш учун жой рельефидаги нишабликни аниқлашда устурлов (астролабия) ва шоқулли тарози (ватерпас) каби маҳсус асбоблар ёрдамида, содда усулда бўлса ҳам, ҳақиқий инструментлар нивелировкадан фойдаланилган. Шундай қилиб, қадим замонлардан бошлабоқ Ўзбекистонда ирригация техникаси соҳасида дикқатга сазовор, ажойиб ҳалқ тажрибаси тўпланган.

Шубҳасиз, бу бой ҳалқ тажрибасини ўрганиш Ўзбекистоннинг суғориш тарихи ва ирригация техникасининг тараққиёт тарихини ёритиб беради. Шу билан бирга у республикамизда ирригация ва мелиорация ишларини тубдан яхшилашга киришилган ҳозирги вақтда ҳалқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга. Масалан, тоғ дараларидан очиб чиқадиган катта–кичик сойларнинг баҳорги сел сувларини кичик–кичик сув омборларига тўплаб, минглаб гектар экин майдонларини, хусусан томорқа ерлар ва боғларни ҳамда яйловларни суғориш мумкин. Қадимги бинокор усталар қашф этган қурилиш қоришимлари ҳамда юқори сифатли пишиқ ғишт тайёрлаш услубларидан меъморчиликда, хусусан тарихий

обидаларни таъмир этишда ишлатиладиган маҳаллий қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин. Бундай пишиқғишт ва бинокорлик қоришмалари билан таъмир этилган ҳар бир меъморий обиданинг асли қиёфаси қайта тикланибгина қолмай, балки умри ҳам анча–мунча узайиши шубҳасиздир.

**III-БОБ.
МАИШИЙ ТУРМУШ, ХҮЖАЛИК ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ИЧКИ КҮРИНИШЛАРИ ВА
КОМПОЗИЦИЯВИЙ-БАДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИНИ
ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

3.1. Ҳаммомлар

Билгинки, ҳаммомнинг табиий таъсири сувни ҳаво намлик билан иситишдан иборатдир. Биринчиси хонани совитади ва хўллайди, иккинчиси иситади ва хўллайди, учинчиси иситади ҳамда қуритади.

Абу Али ибн Сино

Ҳаммом қадимдан нафақат тозалик учун, балки даволаниш учун ҳам хизмат қилган. Кўпчилик касалликлардан ҳаммомга кириш йўли билан форуғ бўлишган. Шунинг учун ҳам ҳаммомнинг ўзи кўп ҳолларда шифохона вазифасини бажарган дейишга ҳақлимиз. Ҳаммом ёнида шифохонанинг қурилиши bemornining касалига қараб даволаш имкониятини берган. Шунинг учун ҳам уларнинг ёнма –ён қурилганлиги ҳақида тарихий далиллар мавжуд. Жумладан, тарихнавис Хондамир, Алишер Навоий Ҳирот яқинидаги Инжил дарёси бўйида “Шифоия” ва “Сафоия” номли шифохона ҳамда ҳаммом қурдирганлиги ҳақида далолат беради [30].

Шарқда ҳаммом шаҳарнинг энг шифобахш, жисмонан ва маънавий жиҳатдан тарбиявий аҳамиятга эга бўлган иморатларидан бири ҳисобланган. Шарқ ҳаммомларининг шифобахшлиги Букрот, Ибн Сино, Кайковус каби кўплаб даҳо. Мутафаккир, сайёҳлар томонидан эътироф этилган. Ҳаммом қурилишига Марказий Осиёда ҳам қадим замонлардан буён алоҳида эътибор бериб келинган. Олимларимиз ҳаммомларни тарҳи ва тарзи жиҳатидан, асосан икки гурухга бўлишади: тўлиқ, яъни “классик” ва тўлиқсиз кўринишдаги ҳаммомлар [15]. Классик турдаги ҳаммомларнинг умумий тузилиши тўғри тўртбурчакка яқин бўлиб, асосий хонаси–миёнсарой иморат марказини эгаллаган. Иккинчи турдаги ҳаммомлар кам хонали, соддароқ, тузилиши жиҳатидан “Г” ҳарфи

шаклида, асимметрик, оддий ва узунчоқ шаклда бўлган. Узунчоқ тузилишдаги ҳаммомларда хоналар кетма–кет бир қаторда жойлашган.

Марказий Осиёда XI–XII асрларга оид ҳаммомлар Тароз (ҳозирги Жамбул), Нисо (Туркманистон) шаҳарларида очилган ва ўрганилган [26].

Уларнинг тархида асосий хона–миёнсарой ҳаммом марказидан ўрин олган. Мазкур ҳаммомларнинг умумий кўриниши, яъни барча деворлари сақланмаган, лекин уларнинг XIX–XX аср бошларида қурилган ҳаммомларникуга ўхшашлиги яққол кўриниб туради. Шунинг учун ҳам мазкур ҳаммомлар тузилиши жиҳатидан биринчи турдаги ҳаммомларга киради.

XIX–XX аср бошларида қурилган ҳаммомлар бир нечта “лунги хона”, “гарм хона”, “хунук хона” ва миёнсарой каби хоналардан ташкил топган. Миёнсарой хонаси ўзининг жойланиши, катталиги, тузилиши билан қолганларидан ажралиб туради. Миёнсарой тарҳда саккизбурчак тузилишида бўлади. Миёнсарой деворлари бўйлаб ҳам супалар ўрнатилган. Миёнсарой кўпинча ҳаммом тархида марказий ўринни эгаллайди. Шунингдек, у ҳаммом тархида чап ёки ўнг томондаги ташқи деворга қапишган ҳолда келиши мумкин. Жумладан, Бухородаги Саррафон, Самарқанддаги Панжоб ҳаммомларида миёнсарой кириш эшигининг чап томонидаги ташқи девор билан чегарадош [30]. Бухородаги Мисгарон, Самарқанддаги Хужум ҳаммомларида эса миёнсарой–ўнг томон ташқи девори билан чегарадош. Тошкент шаҳридаги XIX асрга оид Чорсу саройидан (катта гумбаз) олтида эшик орқали тўққизта ҳар хил катталикдаги хонага ўтилади. Улар орасида миёнсарой ўзининг катталиги билан доминантлигини сақлаб қолади. Миёнсаройнинг ҳамма томонида эшик бўлганлиги сабабли тўртбурчак тузилишидаги супа унинг марказида жойлашган.

Миёнсарой гумбази саккизбурчак қаносларига ўрнатилган қалқансимон равоқлар устида жойлашган. Гумбаз марказида кубба шаклидаги қисми бўлиб, унинг ён деворларида панжара билан тўсилган

равоқлар назарда тутилган. Улардан миёнсаройга ёруғлик тушиб турган [24].

Миёнсарой ички кўриниши унинг конструктив асослари ҳисобига киши диққатини тортадиган композицияга эга. Жумладан, гумбаз гардиши остидаги қалқонсимон правоқчалар, миёнсарой марказий ўқлари тўғрисидаги деворларнинг токча шаклида ташқарига сурилиши, уларнинг катта правоқлар ичига олишини ва панжаралардан тушаётган ёруғлик натижасида ёруғ ва сояли юзаларнинг вужудга келиши миёнсарой интеръерини жонлантириб юборади.

Иккинчи турдаги ҳаммомларнинг кўпроқ маҳалла ва қишлоқларга хослиги археологик ашёлар ҳам гувоҳлик беради. Жумладан, археологлар томонидан IX–XI асрларга оид ҳаммом Хуттал воҳасининг Манзар қадимий шаҳарчасидан топилган. У узунчоқ тузилишда бўлиб, хоналари бирин–кетин бир қаторда жойлашган [24]. Мазкур ҳаммом тузилиши жиҳатидан Юқори Зарафшон тоғ қишлоқларида XVIII –XX аср бошларида курилган ҳаммомларга ўхшаб кетади. Уларда ҳам хоналар анфилада тузилишида биридан иккинчисига ўтилади. Бунга Парз, Оббурдон, Зосун қишлоқларидағи ҳаммомлар мисол бўлади. Бундай тузилишдаги ҳаммомларнинг кўпроқ тоғли ландшафтининг таъсири ҳам бўлган бўлса керак.

Биринчи ва иккинчи турдаги ҳаммомлар композициясида чойхона қуриш одати Ўрта Осиёning барча худудларида кенг тарқалган. Улар тарҳда тўғри тўртбурчак тузилишида бўлади, шифтини бир, икки қатор устунлар ушлаб туради. Кўпинча чойхоналарнинг икки ён томони супа билан чегараланганди. Чойхона деворлари шифти ҳам сержило нақшу нигорга эга.

Ҳаммомларнинг безакка эга бўлганлигига археологик далиллар ва тарихий манбалар гувоҳлик беради. Тароз ҳаммоми деворларига қизил, тўқсариқ, мовий ва кулранг бўёкларда геометрик ва ўсимликларимон нақшлар ишланган [23]. Нисо шахридаги ҳаммом деворларидаги

ўсимликлсимон, геометрик нақшлар ва ёзувлар, тўқ сариқ, киновар–қизил, қора ва оқ рангларда ишланган [26].

Мовароуннахрда XII асрга оид Работи Малик карвонсарой мажмуасидаги ҳаммомнинг иссиқхонаси деворларида оқ рангли заминда қизил, сариқ, қора рангларда нақшлар ишланган [13]. X аср муаллифи ал–Маъсудий ўзининг асарларидан бирида ҳаммомларда боши одам юзига монанд қилиб ишланган афсонавий Анқо қуши тасвири кўп учрайди,—деб ёзади [31].

Ҳаммом ички ва ташқи кўринишини ифодалаган ўрта аср миниатюраларида ҳам унинг деворларида тасвиirlар ифодаланган. Жумладан, Алишер Навоийнинг “Ҳамса”сига ишланган миниатюрада ҳаммомнинг асосий ювениш хоналаридан бирида (миёнсарой) равоқнинг икки ён томонида бир–бирига қараб учётган қанотли фаришталар тасвири аёл тимсолида ифодаланган [30]. Иккита хурсимон қанотли аёлларнинг тасвири “Мажнун Маккада” [18, 9–тасвир] миниатюрасида Каъба тошининг орқа қисмида ифодаланган. Ҳаммамизга маълум, ислом ақидаларига биноан фаришталар доимо тоза, пок одамнинг икки елкасида ва пок, муқаддас жойларда бўлиши хақида айтилади. Демак, ҳаммом равоқи (тимпанларида) икки ён томонида фаришталар тасвирининг ишланиши, ҳаммомнинг поклик, тозалик манбаи эканлигини ифодалашга қаратилган [22]. “Мажнун Маккада” миниатюрасида эса мусаввир Макканинг муқаддас жой эканлигини эслатмоқни, ёки Мажнун ўз муҳаббатига вафодор пок инсонлигига гувоҳлик бериш учун хур фаришталар тасвирини чизган бўлиши мумкин.

Ҳаммом интерьерида бадиий тасвир ва ўсимликсимон нақшларнинг борлиги, қадимдан кишилар ҳаммомнинг саломатликка ижобий таъсир кўрсата олишига ишонганликларидан далолат беради. IX–X асрларда яшаган табиб Закирия ал–Рози ҳам бу ҳакда ёзиб қолдирган. У, башарти ҳаммом, киши аъзоларига таъсир кўрсатиб, уни маъянвий, жисмоний, табиий кучлардан бўшаштирас экан, унинг ғамгин кайфиятини яхшилаш


ва ташвишлардан форуғ бўлиши учун ҳаммом деворларига сержило нақшлар чизишни тавсия этади [10]. Ҳаммом деворида нақшларни ўрта аср миниатюраларида ҳам кўрамиз [11].

XVIII–XIX асрларда қурилган ҳаммомларда безак вазифасини асосан конструктив асослар, функционал қисмлар бажарган. Улар ҳам ҳаммом интеръерига бадиийлик бағишилаган. Умуман, ҳаммомларда функцияга кўпроқ эътибор берилган. Ҳаммом интеръери композициясида миёнсарой нафақат баландлиги, кенглиги, ёруғлиги, марказидаги супаси билан, балки жойлашиши билан ҳам доминант вазифасини эгаллайди. Чунки миёнсарой ҳаммом марказида жойлашган тарҳда, унинг марказидан горизонтал чизиқларга нисбатда 45^0 да тўртта йўналишда қўшни хоналарга ўтиш дарчалари қолдирилган. Ҳаммом атрофидаги хоналар миёнсаройга композиция жиҳатидан бўйсунган. Бу ўз навбатида миёнсаройнинг асосий хона бўлишини таъминлайди. Миёнсарой ташқи девор томон силжитилган ҳолда ҳам ўзининг вазифаси, катталиги билан ҳаммом тарҳи ва тарзи композициясида доминантлигини сақлаб қолган.

3.2. Гармобалар ва обзанлар

“Гармоба” форсча сўз бўлиб, “иссиқ сув” маъносини билдиради [32]. Ўтмишда Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқ мамлакатларида табиий иссиқ чашмалар қошида қурилган иншоотлар ана шундай ном билан аталган. Табиий муолажаларга, жумладан шифобахш булоқларга одамлар қадимдан ихлос қилиб келишган. Гиппократ ва Аристотель ҳам бардам бўлиш ва узоқ умр қўришнинг асосий шарти иссиқлик ва сувдан фойдаланишdir деб таъкидлашган. Қадимги хинdlар, юонолар ва скифлар минерал сув ва шифобахш балчиқ билан даволаш усулидан, яъни бальнеодаводан кенг фойдаланишган [37].


Құруқ ҳаммом - сухая баня



БЕРУТ ШИРОКИЙ ТАЗ НАЛОДЕНЬЕ ТАЗА ПРАЧЕЧНИКОВ, ДНО КОТОРОГО ИДЕЕТ ТАКИЕ ЖЕ ШИРОКИЕ ЧАСТИ. ВНУТРИ ЕГО УСТАНАВЛИВАЮТ НЕЧТО ВРОДЕ СТУЛА. НА ВЕРХНЮЮ ЧАСТЬ ТАЗА СТАВЯТ КРЫШКУ ИЗ ДВУХ ПОЛОВИН, А ПОСЕРЕДИНЕ ДЕЛАЮТ ОТВЕРСТИЕ ПО ВЛИЧИНИИ ШЕИ ЧЕЛОВЕКА. ЗАТЕМ В ЗЕМЛЕ ВЫКАПЫВАЮТ ЯМУ, КОТОРАЯ ПО ГЛУБИНЕ ДОЛЖНА СООТВЕТСТВОВАТЬ ТОМУ ТАЗУ. В НЕЕ ОПУСКАЮТ ТАЗ И ЧОТОК, ОСТАВЛЯЯ ВОКРУГ ТАЗА ЗЕМЛЮ ШИРИНОЙ В ОДИН ЛОКОТЬ, РОЛІ КРУГОВОЙ АЛУ ШИРИНОЙ ПО ГЛУБИНЕ ДОЛЖНА ОДУСКАТЬСЯ НИЖЕ ДНА ТАЗА НА ОДИН ПДАР ИЛИ ОКОЛО ЭТОГО.

КОГДА ВОЗНИКАЕТ НУДА, В ЭТОЙ КРУГОВОЙ ЯМЕ РАЗВОДЯТ ОГОНЬ, ЧТОБЫ ТЕПЛО ПРОНИКЛО В ТАЗ И ОН СТАЛ ГОРЯЧИМ, НО НЕ СКИРДАЛ. ПОСЛЕ ЭТОГО ЧЕЛОВЕК ВВОДИТ В ТАЗ, САЛАСТ НА СТУЛ И ЗАКРЫВАЕТ ТАЗ ДВУМЯ ПОЛОВИНАМИ КРЫШИ ТАК, ЧТОБЫ ГОЛОВА ЕГО ОСТАЛАСЬ СНАРУЖИ ЕЕ. ОН ОСТАЕТСЯ В НЕМ ДО ТЕХ ПОР, ПОКА ЛЬЕТСЯ ПОТ, ПОСЛЕ ЧЕГО ВЫХОДИТ.

Обзан - ванна



ОБЗАН - ЭТО ПРОДОЛГОВАТАЯ ЧАН, РАВНЫЙ ПО ДЛИНЕ РОСТУ ЧЕЛОВЕКА, ЕГО СООРУЖАЮТ В КАМЫХ, НАЛОДЯТ ТЕПЛОЙ ВОДОЙ, В НЕГО САЛАСТ ИЛИ ПОЛОГАЕТ БОЛЬНОГО. ИНогда делают ее деревянной с места на место, изготовив из СЕРЕБРА, МЕДИ ИЛИ ДРУГОГО. КРАН ВАННЫ БЫЛ ТАКОЙ ВЫСОТЫ, ЕСЛИ В НЕЕ САЛЯСА БОЛЬНОЙ, ТО ЕГО ГОЛОВА ОСТАЕТСЯ СНАРУЖИ В ЭКСПЛЮСИИ ПРОСТРАНСТВЕ, СВЕРХУ НЕ ЕЕ ВЕЛИЧИНЕ ПРОДЛЯЛАСЬ КРЫША, У КОТОРОЙ НА СТОРОНЕ, ГДЕ СИДИТ ЧЕЛОВЕК, ИЗВЕСТЫ ОТВЕРСТИЕ, КОГДА В ВАННЕ СИДИТ ЧЕЛОВЕК И ЗАКРОЕТ КРЫШУ, ТО ЕГО ШЕЯ ПРОХОДИТ В ЭТО ОТВЕРСТИЕ, И ГОЛОВА ОСТАЕТСЯ СНАРУЖИ. АЛТАХ ЛУЧШЕЕ.

ПРИМЕЧАНИЕ: 1 ЛОКОТЬ = 50-52 см; 1 ПДАР = 22,5 см

-расм. Қуруқ ҳаммом ва обзанинг график реконструкцияси
(А.С. Уралов бүйича)

Қадим замонларда ҳатто ибодатхоналар ҳам минерал ва чашма булоқлар қошига қурилған. Бу ерда ибодатта келған одамлар бир йұла бальнеодаво ҳам олишиб соғайиб кетишгандар. Тарихий манбаларда

ёзилишича, Фарғона водийсининг ўтроқ аҳолиси узоқ ўтмишда бу ердаги Ҳазрати Аюб (ҳозирги Жалолобод) минерал булоқларининг борлигини билган ва улардан унумли фойдаланган.

Душанбе шаҳридан 52 км шимолда Гушори қишлоғи яқинида жойлашган шифобахш булоқлар таркибида қимматбаҳо радиактив моддалар борлиги аниқланиб, улар қошида кейинчалик Хўжа Обигарм сув шифохонаси ташкил этилган. Дастреб бу ерда иккитагина иссиқ ҳавза бўлиб, келган беморлар уларга тушиб, шифо топиб кетишган. Ҳозирги вақтда Обигарм курорти анча кенгайиб бу ерда ўнлаб замонавий шифобахш ҳовузлар ва бальнеодаволар курилган.

Баъзида бундай шифобахш гармобалар ўтмишда ўта катта ўлчамларга ҳам эга блиб, ҳатто ўзига хос меъморий комплекс (мажмуа)ларни ҳам ташкил қилган. Шундай гармобаларнинг бири IX асрда Кичик Осиёнинг Дараулий воҳаси (Туркияning Шарқий қисмida) курилган бўлиб, унда иссиқ ва сокин чашма сувлари устига бир неча иирик гумбазли бинолар ишланган. Ҳар бир бинода бир йўла 1000 киши чўмилган, бинолар сони 7 та бўлган. Гармоба ҳовузларининг чуқурлиги одам кўкрагигача етган [32]. Ортиқча сув гармоба ҳовузларидан чиқиб кўлга оқиб турган. Ушбу гармобалар комплексига ҳозирги меъзонлар билан қаралса улар жўнгина бир сув шифохонаси курортини ёки бальнеодавосини ташкил этганлигини тушуниш қийин эмас.

Тарихчи Муйиънiddин Исфизарий темурий Султон Ҳусайн Бойқаронинг (1438–1506) Ҳирот шаҳри яқинида Герируд дарёси воҳасидаги бунёдкорлик ишлари ҳақида шундай ёзади: “У ердаги тоғ этагида, Об қишлоғи ёнида иссиқ чашма бўлиб, у яқин ва узоқ мавзелардаги турли дардларга чалинган кўп одамларни қизиқтирган. Султон Ҳусайндан олдинги ҳукмдор Абу Саид Мирзо (1455–1469) бу чашма қошида катта мустаҳкам бино курдирган эди. Бироқ, Султон Ҳусайн бу бинони қайтадан кенгроқ ва баландроқ қилиб атрофларига парк, гулзор ва боғлар қуриб, уни неча бор кенгайтириди” [9]. Кўриниб

турибдики, халқ шифобахш муассасаси тархид қурилиб ташкил топган. Хурсон халқининг ундан XV асрнинг бошларигача фойдаланиб келганилиги ҳақида тарих гувоҳлик беради.

Ана шундай халқ шифохоналари (гармобалар) ўтмишда Ўзбекистон худудида ҳам кўп қурилган. Бу жиҳатдан айниқса Фарғона водийси машхурдир. Қайнарбулоқ, Шўрсув, Чангара, Чимён, Чорток ва Хожаобод каби шифобахш чашмалар қошига маҳаллий аҳоли қадимдан бошлаб гармобалар қуриб келган. Бундай гармобалар баъзида шаҳарларда ҳам бино этилган. Тожикистондаги Обигарм, Фарғонадаги Чорток ва Чимён, Қирғизистондаги Жалолобод шаҳарларининг сув шифохоналари шулар жумласидандир. Ҳозирги вақтда бу шаҳарлардаги дастлабки гармобалар замонавийлашиб ва кенгайиб йирик курортларга айлантирилган.

Ўрта Осиё халқисўнгги ўрта асрларда ва ҳатто бизга яқин даврларда ҳам табиий чашма булоқлар қошида жўнгина гармобалар қуришиб улардан унумли фойдаланиб келмоқда. Масалан, Тожикистоннинг Воҳан воҳаси Ишқашим туманидаги Панжоб дарёси бўйида тоғ этагида жойлашган иссиқ чашма қошида шу ерлик аҳоли XX асрнинг 70–йилларида ўзига хос гармоба қуришган. Гармоба биноси унча катта бўлмай ўзининг чўзинчоқ фронтал композицияси билан тоғ рельефига ўта мос тушган. Бино маҳаллий тошдан ишланиб тарҳда тўғри тўртбурчакли симметрик шаклга эга. Гармоба бир–бирига ўхшаш иккита эркак ва аёллар бўлимидан тузилиб, ҳар бир бўлим ечиниш ва иссиқ бассейнли чўмилиш хоналаридан иборат [30].

Бассейнлар чуқурлиги одам кўкраги баландлигига яқин келади. Бўлимларга бинонинг бир–бирига қарама–қарши ёнидан кирилади. Чўмилиш хоналари тарҳда $3,5 \times 4,2$ метр бўлиб, бир–бирига ёндош жойлаштирилган. Бу эса ташқи деворлар сатҳининг камайиши ҳисобига хоналардаги иссиқлик даражасини сақлаш имконини беради. Бинонинг орқа томонига жўнгина ёрдамида хона ишланиб, у чўмилиш хоналари бассейнида фойдаланилган сувни ташқарига чиқариб юбориш вазифасини

үтайди. Гармобанинг сал юқорисидан йўл ўтган бўлиб, у бинони яқин қишлоқлар билан боғлайди.

Бинонинг меъморий ҳажмий ечими деворлар ва томнинг кирган ва чиққан пасту–баланд жойларидағи ёруғлик ва соялар контрасти эвазига ҳамда тоғ тошидан ишланган бино деворларининг атроф–мухитга ҳамоҳанглиги билан ажралиб туради. Чўмилиш бассейнлари хоналарини шамоллатиш гармоба устига ўрнатилган мўри орқали амалга оширилади.

Тожикистоннинг Айний туманида тоғлик Урметан қишлоғидаги Лангар дарёси ҳавзасига яқин жойда шифобахш чашма бўлиб, XX асрнинг 50–йилларида аҳаллий халқ иссиқ сувдан фойдаланиш мақсадида бу ердаги тоғ этагига гармоба қуришган. Бино яхлит айвонга бириккан учта текис томли ювиниш хоналаридан иборат бўлиб, цементли қориshmада маҳаллий тоғ тошидан қурилган [21].

Чўмилиш хоналарига айвон орқали кирилади. Бу хоналарнинг орқасида 2,1 метр баландликда иссиқ чашмага уланган қувур жойлашган бўлиб, ундан оқаётган шифобахш иссиқ сув чўмилиш хоналарига тарқалади. Чўмилиш хоналарининг баландлиги 3,6 метр бўлиб, сатҳи ўртача 18–20 кв.м.ни ташкил қиласи. Бино тарзини шакллантиргна тўрт устунли айвон баландлиги ҳам 3,6 метр. Ҳар бир ювиниш хонасининг полига иссиқ сув оқиб тушаётган жойда чуқурлиги тизза бўйига teng чўмилиш ҳовузлари ишланган. Ташки кўринишидан айвонли бинони эслатувчи тош деворли гармоба атрофидаги тоғ ландшафти ва табиий муҳит билан ҳамоҳанг боғланган. Айвон дарпардалар билан бўлинниб, ечиниб ва чўмилиб чиқилгач дам олиш жойи вазифасини бажаради.

Ўзбекистоннинг Шаҳрисабз тумани тоғ этагидаги Қизил Эмчак қишлоғида ҳам иккита чашма бўлиб, бири Гармақ, иккинчиси Булкокинак деб аталади. Чашмалар бир–бирга яқин жойлашган. Улардан сал пастроқда, яъни тоғ қиялигига шинамгина бир гармоба қурилган бўлиб, унинг орқа девори ва томи қияликка қўшилиб кетган. Бино тоғ қиялигига фронтал жойлашган учта хонадан иборат, даҳлизга ўхшаган хонадан

иккита алоҳида чўмилиш хоналарига кирилади. Уларнинг томида мўъжазгина туйнуклари бўлиб, уларга сув юқорида жойлашган чашма булоқларидан ёғоч тарновлар орқали оқизиб келтирилган [20]. Гармак суви қишин—ёзин иссиқ бўлганлигидан ҳатто қиши кунлари ҳам гармобада bemalol роҳат қилиб чўмилиш мумкин. Қишлоқ халқи бинога “Чашмаи ҳаммом” деб ном берган. Бино оддий, безаксиз бўлса—да, устидаги тиргагичли тарновлари ва тош деворлари билан тоғ манзарасига ўйғунлашиб кетганлиги учун киши эътиборини ўзига тортади.

Бундай шифобахш чўмилиш бинолари ва гармобаларнинг мавжудлиги Ўрта Осиё халқларининг ўтмишда чашма булоқлар қошида ўзига хос иншоотлар қуриб, улардан соҳломлаштириш воситаси тарзида фойдаланганлигидан далолат беради. Буни эса ҳозирга кенг тарқалган замонавий сув шифохоналари ва “водолечебница”ларнинг халқимиздаги илк тимсоли деб қарашимиз мумкин.

Ўтмишда шаклланган мана шундай оддий гармобалардан кейинчалик уларнинг такомиллашган замонавий маҳсус меъморий мажмуалари ва ҳатто ўша шифобахш табиий чашмалар ва қурилган гармобалар асосида бальнеологик курортлар вужудга келган.

3.3. Оловхона (эркаклар уйи)

Мазкур турдаги иморат ҳақида ва унга тегишли расм–русумлар таниқли этнограф олимлардан М.С. Андреев, Н.А. Кисляков, А.Н. Кодауров, А.К. Писарчик, М.Ф. Гаврилов, В.В. Гинзбургларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган. Оловхона ва унга боғлиқ расм–русумлар таҳлилига ленинградлик этнограф олим Р.Р. Рахимовнинг маҳсус монографияси бағишиланган. Оловхона тарҳи, тузилиши Д.А. Нозиловнинг монографиясида, у учратган ва ўрганган оловхоналар ҳақида қисқагина маълумот берилган [24].

Оловхонанинг юзага келиши жуда узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бунга оловхонанинг маҳалла ёки бутун қишлоқ аҳлига тобелиги ва унда эркаклар жамоа бўлиб таом истеъмол қилишлари, уларнинг қиши фаслида доимо шу ерда бўлишлари, хонани иситиш учун навбат билан ўчоққа ўт ёкишлари, овланган ёввойи ҳайвон танасининг шу жойга келтирилиши ҳам гувоҳлик беради. Абу РАйхон Беруний Суғдиёна халқларида оловхона ислом дини ўргатилишининг илк йилларда ҳам ҳар бир қишлоқда бўлганлигини таъкидлайди. Йил давомида бўладиган байрамларда қадимиј суғдлар оловхоналарда йиғилиб байрамона таомлар пиширган [10]. Л.Ф. Моногарова оловхонада қиши пайтлари олов ёниб туришини доимий таъминлаш одатининг ҳозиргача сақланиб қолиши, мазкур умумий хонанинг қадимги оташпаратлик дини билан узвий боғлиқлигини билдиради,—деб таъкидлайди. Оловхонанинг ўрта асрларда ҳам бўлганлигидан археологик маълумотлар гувоҳлик беради [22]. Ҳозирги кунда ҳам оловхона муқаддас жой ҳисобланади. Оловхона билан боғлиқ расм—русумлар ҳам ўзига хос қўринишга эга. Ана шу одатлардан бирини мисол тариқасида келтирамиз. Оловхонада навбат билан хонани иситиш ва таом тайёрлаш одати бўлган. Бунинг учун ҳар бир оила эркаги кўп ўтин йиғишига тўғри келган. Навбати келган эркак қўй ёки ечки сўйиб, оловхонада меҳмондорчилик уюштирган. Шу билан бирга кечаю кундуз ўчоққа ўтин ташлаб, оловхонани иссиқ сақлаган. Бордию йиққан ўтини тугаб, оловхонада ҳаво ҳорарати даражаси доимийлигидан пасайиб кетса, унинг якуни, навбатчи учун жуда оғир бўлиши мумкин. Яъни, оловхона аъзоларидан бири туриб, жаҳл билан хона совукқу, дея ўчоқ устига бир пақир сув қуйса, шунинг ўзи оловхона навбатчиси учун катта жазо ҳисобланган. Гўёки у жамоадан бадарға (ҳайдалган) қилингандек, кучга эга бўлган. Шунинг учун навбатчи бошқатдан меҳмондорчиликни бўйнига олиб бўлса ҳам, ўчоққа сув тўқмасликларини ёлвориб сўраган. Оловхонага оид бу одат муаллиф томонидан ҳам Вахиои Боло, Қоратегин, Дарвоз

воҳалари қишлоқларида аниқланди. Шунингдек, бу одат этнограф олим Н.А. Кисляков томонидан ҳам эътироф этилган [23].

Ислом дини ўрнатилгандан сўнг оловхона ичига масжид киритилган. Улар бир хонани ташкил қилишган. Бундай пайтда хонанинг кириш қисми чап томонида ўчоқ жойлаштирилган. Ўчоқнинг атрофида супа назарда тутилган. Шу хонанинг тўр қисмида, ғарб томон деворида меҳроб ўрнатилган. Шифтнинг ўчоқ усти қисми “чорхона” ёки “харуза” услубида ёпилиб, унинг марказида туйнук қолдирилган.

Кейинчалик масжид ва оловхона учун алоҳида—алоҳида хона ажратилган. Улар кўпинча ёнма—ён жойлаштирилиб, узунасига бир айвон билан бирлаштирилган. Масжид интерьери меҳроби билан оловхонадан ажралиб турган. Оловхона катта хонани ташкил қилган. Унинг марказида тўрт ва ундан ортиқ устун жойлаштирилган. Хона сатҳининг устунлар оралиғидаги майдони пастроқ бўлиб, унинг ўртасида ўчоқ назарда тутилган. Ўчоқ тутунининг чиқиб кетиши учун шифтнинг марказий устунлари оралиғидаги қисми 1,5–2 метр юқорига кўтарилиган ва ён томонларида очиқ туйнуклар қолдирилган. Шифтнинг бу қисми харуза деб юритилган [24]. Айрим пайтда ўчоқ атрофи супа билан айлантирилган. Бизнингча шифтнинг ўчоқ устидаги қисмида шундай конструкциянинг қўлланилиши ҳам узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бундай конструкцияли шифт зардуштийлик динига оид ибодатхоналарнинг доимий оловни сақлайдиган хоналарига қўл келган. Чунки ибодатхонада доимий олов алангасининг шифт тўсинларига таъсир қилмаслиги учун шифтнинг шу қисмини 1,0–1,5 метр ва ундан ортиқ баландликка ҳам кўтариш имконияти бор. Оловхона интерьерида ўчоқ асосий вазифани ўтаган. Ўтирганларнинг диққат—эътиборини оловхона марказидаги ўчоқ ўзига тортган.

XX асрнинг 80–йилларида Коратегин воҳаси қишлоқларида сербезак оловхоналар қурила бошланади. Уларнинг ҳажми ҳам жуда катта бўлган. Пол сатҳи ва супалари тахтадан кўтарилиган, девор ва шифтда рангли

безаклар қўлланилган. Шунингдек, янги қурилган шундай иморатларда суриладиган девор, иккинчи яруслар ҳам назарда тутилган.

Умуман, оловхона интеръери супалари, ўчоқнинг ўрни, шифтдан тутун чиқиши, ёруғлик тушиши учун юқорига кўтарилилган бўлинманинг назарда тутилиши ва унинг ён томонларида туйнукларнинг мавжулиги ўз вазифасига мос келган. Хонанинг мазкур қисмлари унинг интеръерини эркаклар учун умумий йигилишлар ва дам олиш жойи эканлигини аниқ ифодалайди. Оловхонанинг фақат узок тоғ қишлоқларида сақланиб қолишига биринчи навбатда бу ўлкаларнинг шаҳар цивилизациясидан узоқлиги сабаб бўлган.

3.4. Ишлаб чиқариш корхоналари

Марказий Осиёда узок ўтмишлардан буён халқ хўжалиги, кундалик ҳаёт билан боғлиқ ишлаб чиқариш корхоналари бўлган. Бундай корхоналар қаторига сув тегирмони, жувозхона, осиёйиоб–шолини пўстлоғидан ажратадиган сув тегирмони, қофоз ишлаб чиқарадиган қурилмалар, темирчилик устахоналари киради. Улар вазифасига қараб турли қурилмалардан ташкил топган. Қурилмалар маҳсус хоналарга жойлаштирилган. Уларни ўрнатишда маҳсус талабларни ҳам эътиборни олишган. Жумладан, тегирмон учун (ажратилган) қурилма иморатининг остидан албатта сув ўтиши лозим бўлган, чунки тегирмон тоши билан ўқнинг парраклари сув ёрдамида айлантирилади. Тегирмон иморатининг ички кўринишида сув кўринмайди. Парракнинг сувга туширилиши учун маҳсус от–ёғоч номли қурилма мавжуд. Интеръерда тегирмон қурилмаси асосан битта вертикал ўқда жойлашган. Шунинг учун ҳам у хонада кўп жойни эгалламайди. Тегирмон қурилмасининг икки ёни ва олд қисми очик бўлиши унинг иш жараёнида қулайлигини ҳамда хавфсизлигини таъминлаган. Хонанинг қолган қисми, кўпроқ бурчаклари тегирмоннинг иш жараёни учун зарур ашёлар сақлашга мўлжалланган. Тегирмонлар бир

нечта хонани ташкил қилиши ҳам мумкин. Улардан биттаси ун чиқариш хонаси бўлган, қолганлари дам олиш, дон сақлаш, тайёр маҳсулот сақлашга мўлжалланган.

Иш жараёни, сув билан боғлик қурилмалар қаторига обжувоз–шоли тозалайдиган тегирмон, қофоз тайёрлайдиган қурилмалар ҳам киради. У ҳам тегирмон каби сув бўйига қурилиши лозим бўлган. Обжувозда паррак унинг ён томонида, иморат ташқарисида ўрнатилган. Обжувозда қурилманинг иш бажарадиган қисми, яъни бош қисмига кунда ўрнатилган, тўсинларнинг қарийб ярим иморат ичкарисида бўлган. Қурилма тўсинларининг сони сувнинг кўплиги ва оқимнинг тезлигига қараб 2, 3, 4 та бўлган. Улар хона деворининг сувга қараган қисмини эгаллаган. Паррак айланганда тўсинлар навбатма–навбат ҳаракатга келган ва бирин–кетин кўтарилиб–тушиб охурчалардаги шолини эзган. Интерьерда хонанинг иккинчи ярми очик қолдирилган. Охурча вазифасини бажарувчи чуқурчалар пол сатҳидан бироз кўтарилилган супада ўрнашган. Бу тадбир кундаларнинг зарб билан тушганида шолининг ташқарига сочилиб кетишидан асрайди ҳамда қурилманинг хавфли қисмини хонанинг қолган қисмидан ажратиб туради.

Мой ишлаб чиқарадиган жувозхоналарда, қурилмалар иш жараёни хонада бажарилади. Қурилма от, туя, эшак билан ҳаракатга келтирилади. Шунинг учун қурилма хона ўртасида ўрнатилган. Қурилма атрофида отнинг айланиши учунпайрах–йўлак қолдирилган. Пайрах хона сатҳидан бироз пастроқ бўлган. Хусусан, жувоз ўқи туя билан ҳаракатга келадиган жувозхоналарда пайрах 1 метрдан зиёд чуқурликда бўлган. Шундай жувозхонани С. Мамажонова ва Р. Муқимовлар Исфаранинг “Чорқишлоқ” номли қишлоғида учратишган. Қизиги шундаки, улар учратган шоли тозалайдиган–жувозхона бир иморатда, лекин алоҳида–алоҳида хоналарда жойлашган [24].

Жувозхоналар бир нечта хонадан (омборхона, дам олиш хоналари, тайёр маҳсулот сақлайдиган хоналар) ташкил топган. Айрим

жувозхоналарда қурилма ўрнатилган хонага очиқ томони билан қаратилган баланд сўрили хоналар ҳам назарда тутилган. Уларда дон сақланган.

Темирчилик устахоналарида ҳам хонанинг олд қисмида (биринчи планида) очиқ майдон қолдирилган, ичкарироқда темирчи устанинг иш жойи ва сангдон, ўчоқ, унинг орқа ёки ён томонида шогирд ўрни ва ҳаво юборгич–дам жойлашган.

Ишлаб чиқариш хоналарининг ички композицияси улардаги қурилмалар ва уларнинг ўқлари баландлигига боғлиқ бўлган. Шунинг учун ҳам кўп ҳолларда жувозхоналар, тегирмонлар ташки томондан куб шаклидаги композицияга эга.

Кулолчилик устахоналари буюм ясаш технологик жараёнининг мураккаблиги сабабли кўп хоналарни ўз ичига олган. Уларда гил сақлайдиган, тайёрлайдиган, буюм ясадиган, буюмга ранг берадиган ва буюмни пиширадиган хумдонлар назарда тутилган. Хоналар деворларида тайёр буюмни сақлаш учун токчалар ўрнатиш кўл келган. Хоналар кўриниши уларга ўрнатилган қурилмаларга боғлиқ бўлган.

Умуман, ишлаб чиқариш корхоналари композицияси ички кўриниши, улардаги қурилмалар тузилиши билан белгиланган, қурилмалар иш жараёнига қараб хонанинг ўртасида, бурчагида, ён қисмида жойлашган. Қурилмаларни жойлаштиришда уларнинг иш жараёни қулай бўлишига ҳам эътибор берилган. Барча турдаги ишлаб чиқариш корхоналарида ҳавонинг алмашиниб, чанг ва тутуннинг чиқиб туриши учун, улар деворининг юқори қисмида туйнуклар ўрнатилган.

Шу ўринда хўжалик хоналари ички кўриниши ҳақида ҳам қисқагина маълумот беришни лозим топдик. Хоразмнинг Қават қалъа шаҳарчасида тарҳда узун далон тузилишида, салиб тузилишида, “Г” ҳарфи шаклида, саккизбурчак, тўғри тўртбурчак хоналар мавжуд. Уларнинг тўртала девори юзаси токча билан тўлдирилган. Олимлар Марвдаги шунга ўхшаш токчабандли хонани мева қуритишга мўлжалланган, деб тахмин қилишади. Г.А. Пугаченкова: “Бордию, бу хоналарнинг икки параллел деворидаги

туйнукларга хода осишса, хонанинг қолган икки қисмидаги токчаларнинг вазифаси нимада?”—деб савол қўяди. Шунингдек олима С.П. Толстовнинг шаҳарда осойишталик йўқолган пайтларда халқ хонадон бойлигинишу хоналарда яшириш учун, тинчлик ўрнатилган пайтларда уларда меҳмон кутиш учун мўлжалланган, деган тахминларига қўшилади [24]. Шу ўринда яна бир далилга эътибор бериш керак. Олимларнинг таъкидлашларича, Қават қалъада бундай иморат ҳар бир хонадон ҳовлиси четроғида ёки тураг жой ёнида алоҳида ҳолда қурилган экан. Мазкур далил ам уларнинг ўз вақтида хўжалик иморати сифатида қурилганлигидан далолат беради. Тўрт ёки уч деворида пастдан юқоригача туйнуклар ўрнатилган хоналар ҳозир ҳам Қашқадарё тог ва тог ёнбағри қишлоқларида учрайди [21]. Бундай хоналар соякихона дейилган. Улар уйнинг иккинчи қаватида, хонага шамол тегадиган баландликда қурилган. Туйнуклардан кирган шаббода хонада осиб қўйилган узумларни жойида қуритишга имкон яратган.

Археологик ашёлар тураг жойлар таркибида дон ва ҳатто шароб сақлайдиган хоналарнинг бўлганлигидан гувоҳлик беради. Бундай хоналарнинг бир ёки икки девори бўйлаб йўналган супаларда дон учун катта кўзалар ўрнатилган. Дон сақлагич гил қутилар–кули ҳамбалардан Ўрта Осиёning деярли кўпчилик тог воҳаларида XX асрнинг ўрталаригача фойдаланилган [20]. Деворларига нақшлар ўйилган гил қутилар тураг жойлар таркибида оиланинг кундалик дам оладиган хоналари бурчакларида ҳам жойлаштирилган. Қоратегин Дарвоз воҳаларида тураг жойнинг бир хонаси дон сақлаш учун ажратилганлиги гувоҳи бўлдик. Бундай хона қазноқ деб номланган бўлиб, унинг бир қисмини катта гил қути эгаллайди. Шунингдек, тураг жойдан 15–20 метр ва ундан ҳам узоқдаги кичкина уй шаклида қурилган қазноқларни Тоғли Бадахшоннинг Язғулом воҳасида учратдик. Қазноқнинг ички қисмида икки–уч бўлинмадан иборат гил қути ўрнатилган.

Шундай ғалладонлар Туркманистаннинг Пештоқ шаҳарчаси атрофидаги қишлоқларида бўлганлигидан тадқиқотчилар гувоҳлик беришади. Бу ерда гил қутилар олтитагача бўлинмадан ташкил топиб, ҳар бирида бир тоннагача дон сақланган. Ғалладонларнинг таянчларда ўрнатилишини маҳаллий аҳоли донни сичқондан сақлаш учун мушукнинг bemalol юришига мўлжалланган, деб таъкидлайдилар [24]. ғалладоннинг ердан кўтарилиши, шунингдек, донни намдан сақлашга ҳам қаратилган.

Ғалладонлар ички қўриниши уларнинг хўжалик хона бўлганлигидан гувоҳлик беради. Улардаги гил қутилар юзасига ўйилган нақшлар ғалладон ички қўринишига композиция жиҳатидан юмшоқлик (бадиийлик) киритади.

III–боб хулосаси

1. Дарё сувидан узокда жойлашган тоғ олди ва чўлга чегарадош туманларда ижодкор ирригаторлар қишки қор ва баҳорги ёмғир сувларини тўплаш учун сардобалар, булоқ сувлари учун қулфакли ҳовузлар, сел сувлари учун муҳандислик ишлари асосида қурилган сув омборлари–бандлар, тўғонлар ва ер ости сувларидан фойдаланиш учун коризлар барпо этиб, сугориш техникаси тараққиётiga ўзининг салмоқли ҳиссасини кўшган.

Қадимги ирригаторлар сугориш иншоотларини қуришда оқимнинг динамик ва босим кучларини ҳисобга олган ҳолда мураккаб техникавий масалаларни аниқ муҳандислик ҳисоби асосида ижодкорона ечишга ҳаракат қилганлар.

Ҳали цемент ихтиро этилмаган ўрта асрлардаёқ ўзбекистонлик бинокор–ирригаторлар сув ва намга чидамли маҳсус қурилиш қоришимаси “кир”ни кашф этиб, сув иншоотлари ва майший турмуш биноларини қуришда ҳамда канализация қувурларини ётқизишда улардан унумли фойдаланганлар.

X–XVI асрлардан бошлаб йирик хўжалик суғориш иншоотлари аввалдан тайёрланган лойихалар–тархлар бўйича қурилиб, бундай тархлар ҳандаса ва математик илмларни мукаммал эгаллаган муҳандис–меъморлар томонидан тайёрланган ва улар қурилишларга бевосита раҳбарлик қилишган.

2. Ер ости сувларини ер устига чиқариш учун жой рельефидаги нишабликни аниқлашда устурлов ва шоқулли тарози каби маҳсус асбоблар ёрдамида, содда усулда бўлса ҳам, ҳақиқий нивелировкадан фойдаланилган. Шундай қилиб, қадим замонлардан бошлабоқ Ўзбекистонда суғориш хўжалиги техникаси соҳасида диққатга сазовор ҳалқ тажрибаси тўпланган.

3. XIX–XX аср бошларида қурилган ҳаммомлар бир нечта “лунги хона”, “гарм хона”, “хунук хона” ва миёнсарой каби хоналардан ташкил топган. Миёнсарой хонаси ўзининг жойланиши, катталиги, тузилиши билан қолганларидан ажралиб туради. Миёнсарой дееворлари бўйлаб ҳам супалар ўрнатилган. Миёнсарой қўпинча ҳаммом тарҳида марказий ўринни эгаллайди.

Миёнсарой ички кўриниши унинг конструктив асослари ҳисобига киши диққатини тортадиган композицияга эга. Жумладан, гумбаз гардиши остидаги қалқонсимон равоқчалар, миёнсарой марказий ўқлари тўғрисидаги деворларнинг токча шаклида ташқарига сурилиши, уларнинг катта равоқлар ичига олишини ва панжаралардан тушаётган ёруғлик натижасида ёруғ ва сояли юзаларнинг вужудга келиши миёнсарой интерьерини жонлантириб юборади.

4. Ҳаммомларда безак вазифасини асосан конструктив асослар, функционал қисмлар бажарган. Улар ҳам ҳаммом интерьерига бадиийлик бағишилаган. Умуман, ҳаммомларда функцияга кўпроқ эътибор берилган. Ҳаммом интерьери композициясида миёнсарой нафакат баландлиги, кенглиги, ёруғлиги, марказидаги супаси билан, балки жойлашиши билан ҳам доминант вазифасини эгаллайди. Чунки миёнсарой ҳаммом марказида

жойлашган тархда, унинг марказидан горизонтал чизиқларга нисбатда 45^0 да тўртта йўналишда қўшни хоналарга ўтиш дарчалари қолдирилган. Ҳаммом атрофидаги хоналар миёнсаройга композиция жиҳатидан бўйсунган. Бу ўз навбатида миёнсаройнинг асосий хона бўлишини таъминлайди. Миёнсарой ташқи девор томон силжитилган ҳолда ҳам ўзининг вазифаси, катталиги билан ҳаммом тархи ва тарзи композициясида доминантлигини сақлаб қолган.

5. Гармобалар ўтмишда Ўзбекистон ҳудудида ҳам кўп қурилган. Бу жиҳатдан айниқса Фарғона водийси машхурдир. Қайнарбулоқ, Шўрсув, Чангара, Чимён, Чорток ва Хожаобод каби шифобахш чашмалар қошига маҳаллий аҳоли қадимдан бошлаб гармобалар қуриб келган. Бундай гармобалар баъзида шаҳарларда ҳам бино этилган. Тожикистондаги Обигарм, Фарғонадаги Чорток ва Чимён, Қирғизистондаги Жалолобод шаҳарларининг сув шифохоналари шулар жумласидандир. Ҳозирги вактда бу шаҳарлардаги дастлабки гармобалар замонавийлашиб ва кенгайиб йирик курортларга айлантирилган.

Чўмилиш бинолари ва гармобаларнинг мавжудлиги Ўрта Осиё халқларининг ўтмишда чашма булоқлар қошида ўзига хос иншоотлар қуриб, улардан соҳломлаштириш воситаси тарзида фойдаланганлигидан далолат беради. Буни эса ҳозирга кенг тарқалган замонавий сув шифохоналари ва “водолечебница”ларнинг халқимиздаги илк тимсоли деб қарашимиз мумкин.

Ўтмишда шаклланган мана шундай оддий гармобалардан кейинчалик уларнинг такомиллашган замонавий маҳсус меъморий мажмуалари ва ҳатто ўша шифобахш табиий чашмалар ва қурилган гармобалар асосида бальнеологик курортлар вужудга келган.

6. Оловхона интерьери супалари, ўчоқнинг ўрни, шифтдан тутун чиқиши, ёруғлик тушиши учун юқорига кўтарилилган бўлинманинг назарда тутилиши ва унинг ён томонларида туйнукларнинг мавжулиги ўз вазифасига мос келган. Хонанинг мазкур қисмлари унинг интерьерини

эркаклар учун умумий йиғилишлар ва дам олиш жойи эканлигини аниқ ифодалайди. Оловхонанинг фақат узоқ тоғ қишлоқларида сақланиб қолишига биринчи навбатда бу ўлкаларнинг шаҳар цивилизациясидан узоқлиги сабаб бўлган.

7. Марказий Осиёда узоқ ўтмишлардан буён халқ хўжалиги, кундалик ҳаёт билан боғлиқ ишлаб чиқариш корхоналари бўлган. Бундай корхоналар қаторига сув тегирмони, жувозхона, осиёйиоб–шолини пўстлоғидан ажратадиган сув тегирмони, қоғоз ишлаб чиқарадиган қурилмалар, темирчилик устахоналари киради. Улар вазифасига қараб турли қурилмалардан ташкил топган. Қурилмалар махсус хоналарга жойлаштирилган. Уларни ўрнатишда махсус талабларни ҳам эътиборни олишган. Жумладан, тегирмон учун (ажратилган) қурилма иморатининг остидан албатта сув ўтиши лозим бўлган, чунки тегирмон тоши билан ўқнинг парраклари сув ёрдамида айлантирилади. Тегирмон иморатининг ички кўринишида сув кўринмайди. Парракнинг сувга туширилиши учун махсус от–ёғоч номли қурилма мавжуд. Интерьерда тегирмон қурилмаси асосан битта вертикал ўқда жойлашган. Шунинг учун ҳам у хонада қўп жойни эгалламайди. Тегирмон қурилмасининг икки ёни ва олд қисми очиқ бўлиши унинг иш жараёнида қулайлигини ҳамда хавфсизлигини таъминлаган. Хонанинг қолган қисми, қўпроқ бурчаклари тегирмоннинг иш жараёни учун зарур ашёлар сақлашга мўлжалланган. Тегирмонлар бир нечта хонани ташкил қилиши ҳам мумкин. Улардан биттаси ун чиқариш хонаси бўлган, қолганлари дам олиш, дон сақлаш, тайёр махсулот сақлашга мўлжалланган.

Умуман, ишлаб чиқариш корхоналари композицияси ички кўриниши, улардаги қурилмалар тузилиши билан белгиланган, қурилмалар иш жараёнига қараб хонанинг ўртасида, бурчагида, ён қисмida жойлашган. Қурилмаларни жойлаштиришда уларнинг иш жараёни қулай бўлишига ҳам эътибор берилган.

**IV–БОБ.
ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТЛАРИ АРХИТЕКТУРАСИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРДАН ЗАМОНАВИЙ АРХИТЕКТУРАДА
ФОЙДАЛАНИШ БҮЙИЧА ТАКЛИФЛАР**

Ўзбекистон худудидаги тарихий шаклланган майший турмуш, хўжалик, ишлаб чиқариш ва муҳандислик иморатлари ва иншоотларининг архитектураси нафақат ушбу обьектларнинг ўзига хос меъморий типологияси билан, балки ўзбек халқининг ижтимоий–тарихий ривожланиши, унинг давлатчилик сиёсати, маданияти, урф–одатлари ва турмуш тарзи ҳамда табиий–иклиний шароитлари билан ҳам белгиланганки, бу обьектлар ўтмишимиз тарихида ушбу омилларга хос шаклланган ва ривожланиб келган.

Шунинг учун ҳам бу обьектларни комплекс илмий ўрганиш ўзбек халқининг ўтмишига, унинг майший турмуши, муҳандислик ва қурилиш маданиятига чукур назар солиш, тарихий меъморий қадриятларни аниқлаш ва белгилаш, ушбу обьектлар қатламига кирган, бироқ илгари ўрганилмаган баъзи иншоотлар ва қурилмаларни (куруқ ҳаммом, обзан, гармоба, сардоба, яхданги)ларни ўрганиш ва умуман шаҳар ва қишлоқлар худудини ободонлаштириш, янги анъанавий ирригация ва суғориш тизимларини яратиш имконини беради. Бу эса улардан Ўзбекистон Республикасининг замонавий ҳаётида, замонавий меъморчилик ва шаҳарсозликни ривожлантиришда ўзбек халқининг тарихий анъанавий қадрият ва услубларига таяниш, уларни эътиборга олиш ва улардан унумли фойдаланиш учун асос яратади.

Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқсан ва юқорида ўтказилган комплекс масалаларни тадқиқ қилган ҳолда биз замонавий меъморчилик–қурилиш, ободончилик амалиётида фойдаланиш учун қуйидагиларни таклиф қиласиз:

- Ўзбекистоннинг чўл ва дашт текис зоналарида сувни тежаш мақсадида тарихий коризлар каби усти ёпиқ ер усти ва ер ости суғориш қурилмаларидан фойдаланишни йўлга қўйиш;
- қишлоқ жойларида ҳозиргача сақланган ер ости сувларини йиғиш ва тўпловчи маҳсус тарихий қурилмалар–сардобаларни таъмирлаш ва қайта тиклаш;
- Ўзбекистоннинг қишлоқ ва шаҳарлари, боғ–парклари шароитида юқорига анъанавий сув кўтаргич қурилмалари–чигир ёки чархпалаклардан фойдаланиш, улар ёрдамида меъморий–ландшафт мухитда қулай микроиқлим яратиш, бундай қурилмаларни қишлоқ ҳовлиларида ҳам яратиш мақсадга мувофиқдир;
- ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида, айниқса, қишлоқ ва туманларда тотли нонларни тайёрлаш учун анъанавий арzon қурилмалар–тандирлардан фойдаланиш;
- энерготежамли иншоот сифатида, ҳамда шафобахш–гигиеник иморат тарзида республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида анъанавий ҳалқ ҳаммомларини қуриш заруратини қўллаб–қувватлаш;
- Республикасининг Хива ва Ургенч, Хозарапс каби ўта иссиқ иқлими шаҳарларида янги экспериментал уйларни қуришда хоналарга соқув нам ҳавони киритиш ва шамоллатиш мақсадида совуқ ҳавони тутиб қолувчи ва уни хоналарга тарқатувчи “Улли айвон” ва ер ости қурилмаси–“бадгирд”лардан фойдаланиш;
- Мева ва сабзавотларни сақлаш учун энерготежамли анъанавий ер ости қурилмалари–“яхдан”ларни қўллаш;
- Республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида анъанавий “Чорбоғ” услугидаги боғ–паркларни яратиш мақсадида Ўзбекистон ҳудудида тарихий ривожлантирилган суғориш ва микроиқлим яратиш қурилмалари–ховузлар ва фавворалар ҳамда табиий тошлиқ тиргак деворлардан кенг фойдаланишни таклиф қиласиз.

ЯКУНИЙ ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўзбекистон ҳудудидаги тарихий шаклланган майший турмуш, хўжалиқ, ишлаб чиқариш ва муҳандислик иморатлари ва иншоотларининг архитектураси нафакат ушбу обьектларнинг ўзига хос меъморий типологияси билан, балки ўзбек халқининг ижтимоий–тарихий ривожланиши, унинг давлатчилик сиёсати, маданияти, урф–одатлари ва турмуш тарзи ҳамда табиий–иқлимий шароитлари билан ҳам белгиланганки, бу обьектлар ўтмишимиз тарихида юқоридаги омилларга хос шаклланган ва ривожланиб келган.

Ўзбекистон ҳудудидаги мавжуд табиий–иқлим шароитлари (иссиқ, қуруқ иқлим, сувсиз дашт ва чўл зоналарининг кўплиги, ўрмон ва дараҳтсимонлар ресурсининг этишмаслиги, тоғ ва тоғолди зоналарининг мавжудлиги, кучли зилзила ва бош.) бу ўлкада қадимдан хўжалик ва суғориш иншоотлари, майший турмуш иморатлари, боғдорчилик ва ишлаб чиқариш иншоотларининг шаклланишига сабаб бўлган.

Шунинг учун ҳам бу обьектларни комплекс илмий ўрганиш ўзбек халқининг ўтмишига, унинг майший турмуши, муҳандислик ва қурилиш маданиятига чуқур назар солиш, тарихий меъморий қадриятларни аниқлаш ва белгилаш, ушбу обьектлар қатламига кирган, бироқ илгари ўрганилмаган баъзи иншоотлар ва қурилмаларни (куруқ ҳаммом, обзан, гармоба, сардоба, яхтанги)ларни ўрганиш ва умуман шаҳар ва қишлоқлар ҳудудини ободонлаштириш, янги анъанавий ирригация ва суғориш тизимларини яратиш имконини беради. Бу эса улардан Ўзбекистон Республикасининг замонавий ҳаётида, замонавий меъморчилик ва шаҳарсозликни ривожлантиришда ўзбек халқининг тарихий анъанавий қадрият ва услубларига таяниш, уларни эътиборга олиш ва улардан унумли фойдаланиш учун асос яратади.

Ўзбекистон ўтмишда шифобахш чўмилиш уйларининг борлиги узок тоғли туманлардаги халқимизнинг чашма булоқлар қошида жўнгина

бинолар қуриб, улардан соғломлаштириш воситаси сифатида фойдаланилганлигидан далолат беради. Буни эса ҳозирда кенг тарқалган замонавий сув шифохоналарининг халқимиздаги илк тимсоли деб қарашимиз мумкин.

Эндиликда биз ана шундай шифобахш чашмаларни асраб–авайлаб муҳофаза қилишимиз, улардан тиббий мақсадларда фойдаланиш йўлларини ахтаришимиз лозим.

Ана шу нуқтаи назардан келиб чиққан ва юқорида ўтказилган комплекс масалаларни тадқиқ қилган ҳолда биз замонавий меъморчилик–қурилиш, халқ хўжалигини ривожлантириш ва ободончилик амалиётида фойдаланиш учун **қўйидагиларни таклиф қиласиз:**

- Ўзбекистоннинг чўл ва дашт текис зоналарида сувни тежаш мақсадида тарихий коризлар каби усти ёпиқ ер усти ва ер ости суғориш қурилмаларидан фойдаланишни йўлга қўйиш;
- қишлоқ жойларида ҳозиргача сақланган ер ости сувларини ийғувчи ва тўпловчи маҳсус тарихий қурилмалар–сардобаларни таъмиrlаш ва қайта тиклаш;
- Ўзбекистоннинг қишлоқ ва шаҳарлари, боғ–парклари шароитида юқорига анъанавий сув қўтаргич қурилмалари–чиғир ёки чархпалаклардан фойдаланиш, улар ёрдамида меъморий–ландшафт муҳитда қулай микроиқлим яратиш, бундай қурилмаларни замонавий боғ–парклар ва қишлоқ ҳовлиларида ҳам яратиш мақсадга мувофиқдир;
- ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида, айниқса, қишлоқ ва туманларда тотли нонларни тайёрлаш учун анъанавий арzon қурилмалар–тандирлардан фойдаланиш;
- энерготежамли иншоот сифатида, ҳамда шафобахш–гигиеник иморат тарзида республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида анъанавий халқ ҳамомларини қуриш заруратини қўллаб–куватлаш;
- Республиkanинг Хива ва Ургенч, Хозарапс каби ўта иссиқ иқлимли шаҳарларида янги экспериментал уйларни қуришда хоналарга

соқув нам ҳавони киритиш ва шамоллатиш мақсадида совуқ ҳавони тутиб қолувчи ва уни хоналарга тарқатувчи “Улли айвон” ва ер ости қурилмаси – “бадгирд”лардан фойдаланиш;

- Мева ва сабзавотларни сақлаш учун энерготежамли анъанавий ер ости қурилмалари – “яхдан”ларни қўллаш;
- Республикализнинг шаҳар ва қишлоқларида анъанавий “Чорбоғ” услугидаги боғ–паркларни яратиш мақсадида Ўзбекистон ҳудудида тарихий ривожлантирилган суғориш ва микроиқлим яратиш қурилмалари – ҳовузлар ва фавворалар ҳамда табиий тошлиқ тиргак деворлардан кенг фойдаланишни таклиф қиласиз.

Шу билан бирга диссертацияда тадқиқ этилган тадқиқот обьектлари типологиясига кирган иншоот ва иморатлар намуналарини кенг оммага ташвиқот қилиш ва кўрсатиш учун республикада илк бор “Этнографик парк” ташкил этиб, унга хорижий ва маҳаллий туристларни жалб қилишни ҳам тавсия этамиз. Мазкур боғ ўз таркибига анъанавий “чорбоғ”, “чорчаман”, “чортоқ” услубларида бунёд этилган миллий меъморий боғни ҳамда “топиар” услубида яратилган сайргоҳни, шунингдек ўзбек фолклор халқ ансамблларини қабул қиласиган майдонлар билан таъминланиши мақсадга мувофиқдир.

Бундай боғни биз Самарқанднинг қадимда “Конигул” деб аталган, ҳозирда эса “Сари Осиё” дейиладиган жойда, яъни Самарқанднинг қадимги қофоз жувози қайта тикланган серсув ҳудудда ташкил этишни таклиф қиласизки, бу паркда қадимиј қофоз жувози ҳам ишлаб турсин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Итимоий–гуманитар адабиётлар, давлат қонунлари ва фармойишлари

1. Каримов И.А. Буюк маънавия–енгилмас куч.–Тошкент: “Ўзбекистон”, 2008.

2. Каримов И.А. Она юртимиз бахту–иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш–энг олий саодатдир.–Тошкент: “Ўзбекистон”, 2015.

3. Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Конуни (2001 йил 18–сентябр, 192–сонли).

Махсус адабиётлар

4. Алимов Ў. Ўрта асрларда Мовароуннахрда боғчилик хўжалиги тарихи.–Т.: Фан, 1984.

5. Андреев М.С. Некоторые результаты этнографической экспедиции в Самаркандскую область в 1921 г.///Изв. Туркестанского отдела РГО.–Т., 1924. Т. XVII/

6. Антонова Е.В. Очерки культуры древних земледельцев Передней и Средней Азии.–М.: Наука, 1984.

7. Ахмедов Б. История Балха (XVI – первой половины XVIII в.).–Тошкент, 1982.

8. Байпаков К.М. Средневековый Отрап//Градостроительство и архитектура.–Т.: Фан, 1989.

9. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Соч.Ч.1.–М., 1963.

10. Бартольд В.В. Сочинения. Т.2.Ч.1.–М., 1963.

11. Бобурнома расмлари.–Т.: Фан, 1978.

12. Бокиев М. Кориз.///Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Том 5.–Т., 2003.–41–бет.

- 13. Воронина В.Л.** Народные традиции архитектуры Узбекистана.– М., 1951.
- 14. Зохидов П.Ш.** Меъмор олами.–Т., 1996.
- 15. Маньковская Л.Ю.** Типологические основы зодчества Средней Азии (IX–XX).–Т.: Фан, 1980.
- 16. Массон М.Е.** Проблема изучения цистерны–сардаба.–Тошкент, 1935.
- 17. Мухуммаджонов А.** Ўзбекистоннинг қадимги гидротехник иншоотлари.–Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
- 18. Миниатюра Мавераннахра.**–Л.: Аврора, 1980.
- 19. Нархаший.** Абу бакр Мухаммад ибн Жаъфар Нархаший. Бухоро тарихи.–Т.: Фан, 1966.
- 20. Назилов Д.А.** Архитектура горных районов Узбекистана.–Т.: Фан 1984.
- 21. Назилов Д.А.** Зодчество горных районов Средней Азии.–Т., 1999.
- 22. Назилов Д.А.** Уста усталар ҳақида дилкаш қиссалар.–Т.: Фан 1996.
- 23. Назилов Д.А.** Ўрта Осиё дизайнни тарихидан.–Т.: Фан, 1998.
- 24. Назилов Д.А.** Марказий Осиё меъморчилигига интерьер.–Т., 2005.
- 25. Норматов Б., Носиров У.** Чархпалак./Ўзбек миллий энциклопедияси. Том 9.–Т., 2005.–57–бет.
- 26. Пугаченкова Г.А.** Зодчество Центральной Азии. XV век.– Тошкент, 1976.
- 27. Ремпель Л.И.** Далёкое и близкое.–Т., 1981.
- 28. Ртвеладзе Е.** Великий шёлковый путь. Древность и ранее средневековые.–Т., 1999.
- 29. Талызин Ф.Ф.** По Ирану и Ираку.–Москва, 1953.

30. Уралов А. Архитектура лечебно–целебных учреждений средневековой Центральной Азии и стран зарубежного Мусульманского Востока.–С., 2013.

31. Уралов А.С., Саидов И.М. Ўрта Оисё меъморий ёдгорликлари–ватанимиз тарихини ўрганишнинг моддий манбалари.–Самарқанд, 2009.

32. Ўралов А. Ўтмишдаги даволаш ва шифобахш муассасалар.–Т., 1990.

33. Ўралов А. Халқ ҳаммоллари.–Т., 1987.

34. Ўралов А., Қодирова Т. Ўрта Осиё архитектура ёдгорликлари–нинг типологик асослари.–Т., 2013.

35. Уралов А. Гражданское зодчество средневековой Азии (общественные здания и сооружения). Автореферат дисс. на соис. уч. степени док. арх.–Т., 1998.

36. Қобилов Э. Кориз://Жаннатмакон газетаси, 2008 йил 13 август сони.

37. Табари. Ат–Табара. Извлечения из “Тарих арабасул вал мулук”//МИТТ.Т.1.–Л., 1939.

Интернет сайтлари:

38. <http://www.natlib.uz> (Национальная библиотека Узбекистана)

39. <http://www.ziyoney.uz> (информационный портал образования)